

САИДИ УМИРОВ

## СОЛЛАНИБ ОҚАЁТГАН ДАРЁ

(ОЛИМ, МУАЛЛИМ, МУТАРЖИМ, МУҲАРРИР, НОШИР,  
ШОИР, МАҚОЛАНАВИС ВА ИНСОН ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ  
ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР)

ТОШКЕНТ  
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЯТИ

Ушбу рисола олим, муаллим, мутаржим, муҳаррир, ношир,  
шоир, мақоланавис ва Инсон Ғайбулла ас-Салом (Ғ. Саломов)  
ҳаёти, илмий, ижодий фаолиятдан мароқли ҳикоя қилади.  
Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир  
филология фанлари доктори Н. КОМИЛОВ

Тақризчи  
филология фанлари номзоди Б. ДУСТҚОРАЕВ

С  $\frac{460301000-944}{\text{У } 355 (04)-92}$  Рез. 94

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 1992 й.

ISBN-648-01949-1

## КИРИШ

Ёши олтмишни қоралаб қолганда, кутилмаганда... шеър ёза бошлади. Анчадан бери мақоласини кутаётган муътабар рўзномага бир туркум шеър кўтариб борди. Ўқиб кўришса — бинойидек. Икки-учтасини танлаб, расми билан бериб юборишди. Таъсирот, таассуротлар турлича бўлди. Тенгқур, дўст, жўралари: «Нима бало, қариганида бирортасини яхши кўриб қолганми?» — дейишса, уни ёқтирмовчи баъзи бировлар: «Бир қилмаган ниши шу қолувди ўзи», — дедилар. Назм оламини кузатиб борувчи синчков заршунослар эса: «Шогирди Тилак жўра, куёви Муҳаммад Юсуфдан юққан-да», — дейдилар.

Бу орада бошқа бир рўзномада бир даста шеърлари берилди, радиодан эшиттирилди, бир-иккитасини ўзи телевизорда ўқиб берди. «Бир шеърингизни «Америка овози»дан эшиттим», деб гап топиб келди биров.

Ҳар бир инсон табиатан шоир, ижодкор бўлади. Лекин кўпчиликда фавқулодда зарб, силкиниш бўлмаса, бу истеъдод гунча ёзмай, рўёбга чиқмай, «шеър ўзида»-лигича қолиб кетади. Сўз ва дард билан ошно одам руҳий портлаш натижасида шоир бўлиб қолса ажаб эмас. Бу одам... бир умр сўз билан дўстлашиб, хасратлашиб, баҳслашиб, олишиб, енгилиб, енгиб, йўқотиб, топиб, роҳатбахш азоби, азобли роҳатини тотиб, сўз орқали тирикчилик ўтказиб, онла боқиб, сўз қозонида кайнаб, каломга қуюқ салом айлаб келаётибди.

Дард десаңгиз... Кичик жуссаси қанчадан-қанча ижтимоий, руҳий, жисмоний дардларни филдек кўтариб келаётибди. Хуллас, илк тизмалари эълон қилинди-ю, ҳаваскорлик босқичини сакраб ўтиб, таниқли шоир бўлди қолди. Энди шеърларини сўраб олишадиган бўлишди, бир нашриёт тўпламини чиқарадиган бўлиб турибди. Шоир бўлиш анча қийин, шоир бўлиш қанча «осон». Бенхтиёр шогирди, фан номзоди Тилак Жўранинг унга бағишлаган «Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим, Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим», дея бош-

лапувчи. Ўзи ва устози ижодини ажиб бир аниқлик, тинчлик билан ифодаловчи:

Хўп сирли дарёдирман, беҳисоб тугёним бор.  
Дард деган армоним бор, орзудай дармоним бор.  
Жисминни қорга кўмиб, дилларда ўт ёқаман,  
Гоҳида сурониму, гоҳида қурбоним бор.—

шеърни ёдга келадн.

«Шеърлар туркумингизни бермоқчимиз,— деди қалли журналнинг бўлим мудирн, шоир ва публицист йнгит.— Лекин муқаддима деймизми, калит деймизми, ҳар қалай, таниқли олимнинг дафъатан шоир бўлиб қолганини тушунтирадиган, ўқувчини тайёрлайдиган бир нарса керак бўлиб турибди». «Махсус бир муқаддимам йўғ-у, лекин ўзим билан суҳбат, баҳс мақомидаги бир нарса бор, ўқиб кўринг-чи»,— дея «Нега одамларнинг йил яшамайди?» номли мақола-дишломасини узатди.

«...Ҳар қандай даҳшатли зилзила ҳам саноқли дақиқаларда қиладиганини қилади. Ярим соатлик юрак ларзони, ниҳоят, тинчиб, онадан яна бир марта қайта тунилгандай бўлганимдан сўнг, хиёл енгил тортдим. Шунда ранги қув ўчиб, ҳалигина лаблари асабдан титраб турган Наташа беихтиёр «ёрилди»:

— Мен сизни сиртингиздан алисиз деган эдим. Ҳолбуки, мўрт экансиз, Шундай ҳам бўладимми... деб «гинахонлик» қилди ва ҳол-беҳол хонадан чиқиб кетди.

Ўзим-ку бўлганимча бўлдим. Бу ёғи ўзимга тан. Аммо одамларни «қўрқитганимга» ҳижолат тортдим. Шу тонда ўзимга ҳам бир нарса алам қилди. Ҳа, алплигим ҳам, мардлигим ҳам, мўртлигим ҳам рост. Қандоқ қилай энди: мени мард қилган ҳам одамлар, мўрт қилган ҳам одамлар эканини одамлар билишармикан?

Билган биледи, билмаган билмайди... Менимча, одамлар ҳамма вақт ҳам ўзига «ажратилган» умрини яшамайди. Минг хил табиий офатлар: зилзила, сел, тошқин, кўчки, қурғоқчилик, вулқон сизгари «нонсоний» фалокатлар ўз йўлига. Кўшинча одамни одам ўлдирди. «Эрин эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин», дейдилар. Менга қолса, мазкур мақоланинг миқёсини кенгайтириб, «Одамни одам қиладиган ҳам одам, адоин тамом қиладиган ҳам одам», деган бўлардим.

Пайти келди, айтмасам бўлмас. Жудаям хилма-хил «хаётий» инқирозларнинг садоси, ҳосиласи бўлмиш бу тагликларда менга тез ёрдамга келган ўнлаб фидоини шифокорлар, юзлаб ҳамкасб дўстлар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, яқин-йироқдан келган ёр-биродарлар,

таниш-нотаниш одамлар, Аҳмад Кот деган қиёматлик маслакдош биродарим, номи бутун дунёга маълум бўлган руҳий муолажакор Анатолий Кашпировскийнинг меҳр-оқибати, ҳаёт эканман, ҳеч қачон, ёдимдан чиқмаса керак».

Журнал ходими ўзномани ўқиган сари жиддий торта борди, бир лаҳза қаршисидаги устозни, таниқли олимни «унутди», тин олмай ўқиди, тугатгач... кўзларида ёш айланди.

— Дардларнингиз шеър бўлиб отилиб чиққани бонсини энди тушундим, домла,— деди кўнгли бўшаб.

Мана, орадан таҳликали ойлар ўтди... Меҳрибон одамларнинг ҳиммати, оқибати ҳақида ўйлар эканман, уларнинг менга эмас, ўзимнинг уларга қанчалик бурчдор эканлигим доим фикр-ёдимни чулғаб туради.

«Агар мендан: «Маслагингиз қандай?— деб сўрашса, лўнда жавоб берган бўлардим: «Фақир киши панада». Ажабланарсиз, не, ҳозирги замонда ҳам (техника асрида-я?) фақир бўларканми, деб. Дуруст, балки бу бизнинг шиддатли замонамизда, айниқса, турли-туман манфаатлар тўқнашиб турган ҳозирги кескин даврда балки унчалик тўғри ҳам эмасдир. Билмадим. Лекин бу — менинг эътиқодим. Маслак ва эътиқод бир кунда туғиладиган нарса эмас. Буни ўзгартириш қийин. Бундай маслак, эътиқод билан яшаш эса ундан ҳам оғир. Начора. Мен нотўғри яшаган бўлсам, фақат ўзимнинг зиёнимга нотўғри яшадим. Аммо бошқа ҳалол одамларнинг тақдири ҳал бўлаётганда, айнан аксинча, ҳеч қачон «фақир одам панада» деб ўзимни панага олган эмасман».

«Бу «панадаги фақир одам» ўттиз беш йиллик ижодий фаолияти давомида жумҳурият, шунигдек, иттифоқ рўзнома ва ойномаларида 200 дан ортиқ катта-кичик илмий, публицистик мақола, тақриз, суҳбатлари билан қатнашди ва қатнашиб, радио ва телевидендеда бот-бот чиқишлар қилиб келмоқда; йигирмадан ортиқ йирик, салмоқли назарий китоб, дарслик чиқарди (шунлардан «Мақол ва идеомалар таржимаси», «Тил ва таржима», «Таржима назарияси асослари», «Таржима назариясига кириш», «Таржимон маҳорати», «Дўстлик кўприклари», «Адабий анъана ва бадиий таржима», «Таржима ташвишлари» ва бошқалар кенг ўқувчилар оммаси, илмий жамоатчиликка яхши таниш); ўндан ортиқ ўқув-методик қўлланма, дастур чиқарди; ўттизга яқин китоб, тўплам, луғатга (жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатиги турк», Ж. Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» асарига, Ўзбек Қо-

мўси сўзликлари, 1-жилдига, анъанавий «Таржима санъати» тўпламларига илмий ва адабий муҳаррирлик қилди; ўзи ҳам эллик босма табақ ҳажмида бадний, илмий, публицистик асарларни (Чехов, Достоевский, Ушинский, Дорнеман асарларини) ўзбекчага ўгириб, бу ишнинг машаққатини чекди, азобли роҳатини туйди; асарлари, ижодига бағишлаб ўттиз бешга яқин мақола, тақризлар ёзилди, элликдан ортиқ мақола, суҳбат ва бошқа тадқиқотларда илмий, педагогик, инсоний сифатлари ҳақида илиқ фикрлар баён этилди; бир неча йил муқаддам, ҳали фан номзоди пайтидаёқ, Ўзбекистонда таржимашунослик фани асосчиси сифатида тан олинди; 1969 йили Тошкент Давлат дорилфунунида иттифоқ дорилфунунлари ичида биринчи ва ҳозирга қадар ягона таржима назарияси кафедрасини очди ва шу кунга қадар унга бош-қош бўлиб келаётибди.

Бу «панадаги фақир одам» «Шоҳнома», «Манас», «Рамаяна», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Декамерон», «Евгений Онегин», «Ревизор», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» ва жаҳон адабиётининг бошқа дурдоналари; Шекспир, Гоголь, Чехов, Достоевский, Айтматов шоҳ асарларининг аксарияти; маданий ҳаётда воқеа бўлган бадний, илмий, сиёсий, публицистик асарларнинг кўпчилиги ҳақида ўз фикрини баён этди, муносабатини билдирди. Бунга ўттиз беш йил ичида газета ва журнал саҳифаларида босилган мақола ва тақризлари, китоб ва диссертациялари, анжуманлар, илмий кенгашлар, ўзаро суҳбат-муҳоҷасаларда билдирган фикр-мулоҳазалари гувоҳ. Уларнинг нечоғли биллиб айтилганлиги, асосли ва жўяли, теран ва салмоқлилигига таниқли таржимашунос олимлар Франсуа Пьер Кайюа (Франция), Ян Комаровский (Словакия), Анна Лилова (Болгария), иттифоқ ва жумҳуриятнинг таниқли олим, таржимонларининг ёзма ва оғзаки фикрлари, илиқ гаплари шаҳодат. Марҳум академик Воҳид Абдуллаев: «Бу тулпор жуда узоққа кетадиган»,— деган гапини кўп такрорлагувчи эди. Бошқа бир Воҳид домла — марҳум академик Зоҳидов бир кун, бирор нарсадан ё асардан таъсирлангандаги одатига кўра, уйига қўнғироқ қилиб: «Ғайбулла, турган-битганинг ақл, омон бўл»,— дебди.

Келинг, яхшиси, яна ўзларидан эшитайлик:

«Мен учун икки даргоҳ бор. Бирини ўз оилам бўлса, иккинчиси — хизмат жойим, Тошкент дорилфунуни бағридаги таржима назарияси шўъбаси. Бизнинг ана шу кичик илмий ва ўқув-тарбия устахонамизда етти киши меҳнат қиламиз. Яқинда тарбия назарияси шўъбаси

(минбаргоҳи)нинг тузилганига роса йигирма йил тўлибди. Бу йигирма йиллик меҳнат: таҳсил, тадқиқот ва тарбиянинг маҳсули ҳам чакки эмас... Сўзшунослик фанининг бу янги, сертармоқ, сермашаққат соҳасидаги назарий китоб, дарслик, илмий мақолалар... Бир юз саксон уч киши таржимон ва таржимашунос, муҳаррир ва мунаққид сифатида диплом иши ёқлаб, нашриётлар, газета ва журнал муҳарририятлари, радио ва телевидение ҳамда бошқа ижодий уюшмалар, мактаб ва маорифда хизмат қилишмоқда. Ўттиз бир киши фан номзоди, уч киши фан доктори, тўрт киши профессорлик унвонини шу ерда хатм қилди. Домлалар ва шогирдларнинг илмий асарларини мамлакатимизда — Москвада, қардош жумҳуриятлар — Кавказ ва Ўрта Осиёда ҳамда хорижий мамлакатлар — Югославия, Болгария, Чехословакия, АҚШ, Буюк Британия, Олмония ва Туркияда ўқийдилар. Ҳозирги вақтда хитой олимлари билан алоқаларимиз яхши. Словакия маркази Братиславада доктор Диониз Дюришин ҳамда ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари билан ҳамкорликда «Махсус адабиётлараро муштараклик» мавзунда йирик тадқиқотни ниҳоясига етказдик. Бу китоб келаси йили Чехословакияда икки жилда ва ўзимизда уч тилда чоп этилади.

Одамлар илмни яратадилар, илм одамларга маънавий ва руҳий камолот бағишлайди. Йигирма йил муқаддам дорилфунунда, тап-тақир жойда, муросасиз кураш ва баҳслар оғушида юзага келган кичик минбаргоҳнинг хизмати шу бўлдики, эндиликда «ўзбек назарий таржимачилиги» деган таъриф ва тушунча рад этиб бўлмайдиган мазмун ва мундарижа билан бойиди.

Таржимашунослик фанимизнинг таянчи профессор Нажмиддин Комилов билан истеъдодли шоир ва таржимон, катта домла Тилак Жўра минбаргоҳнинг йигирма йиллигига ўзларининг эллик ва қирқ йиллигини туҳфа қилишди. Илмий даргоҳ билан олимлик рутбаси, адиблик билан таржимонлик салоҳияти юз кўришгандай бўлди.

Тилак Жўра-ку шоир, буниси майли. Унга на даво бору, на тараф. Аммо бизнинг Нажмиддин Комиловга нима бўлди. Унга ҳам Тилак Жўрадан «юқаяптими» дейман, дафтар-қоғозларининг ҳошияларига рубоий битадиган бўлиб қолди.

Ақлингга тараф йўқ, эй зоти мукаррам,  
Халлоқни жаҳонсен, сен ҳазрати одам.

Лек ўзингни тушунмакка ўзинг ожиз,  
Зероки тугунсен, сирсену мубҳам.

Одамларнинг бахти қанчалик мендалигини айтолмайман, аммо биламан: менинг бахтим — одамларда. Бахтимизга илмий жамоамиз одамлари омон бўлсин». (Саксон тўққизинчи йили битилган.— С. У.).

Ушбу дилнома қайси рўзнома ёхуд илмий журналда босилган ёки мўлжалланаётган бўлса, деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, у... радиого юборилган илтимосномадан олинди.

Илтимосномада шўъба аъзолари проф. Н. Комилов, доцентлар М. Шоиноятова, Т. Жўра, ўқитувчилар Ҳ. Қароматов, А. Эргашев ва бошқалар ҳақида илиқ гаплар айтилиб, ҳар бирига атаб, улар севиб тинглайдиган ашула ижро этилиши сўралган эди (инфаркт хуруж қилиб ётиб қолганда, минбаргоҳ аъзолари, устоз тезроқ оёққа турсинлар дея, у доимо мириқиб эшитадиган, Тўра Сулаймон сўзи билан айтиладиган «Гул бир ён, чаман бир ён» ашуласини радиодан сўрашган эди. Эътиборли, серҳафсала домла, ўзига келиши билан, саломга алиқ мақомида битган ва йўллаган истаги шу дилнома бўлди).

Кичик рисолада Ғайбулла Саломов китоблари, тадқиқотлари, шеърлари, публицистикаси, нутқлари, таржима, таҳрирларини таҳлил қилиш, фазилатларини бирма-бир санаш имкони йўқ, уларнинг ҳар бирини хотиржам, сиқшқлаб, шимиб ўқиш, уқиш, мазасини тотиш, маънан бойиш, олдин ё кейин унга бағишланган нарсаларни мутолаа қилиш керак.

«Мақол ва идеомалар таржимаси» (1961) китобини қизиқарли бадий асар сингари, бир қўлга олишда ўқиб чиққаннинг ҳамон эслайман. Унинг жиддий, мураккаб илмий муаммони мароқли, оммабоп тарзда баён этиш маҳоратига қойил қолганман. Муаллиф йирик, яхлит муаммони алоҳида, бир-бири билан боғлаб, мўъжаз мавзуларга бўлиб ўрганган, ҳар бир мавзуга қизик, оҳори тўкилмаган, «атторнинг қутисидан» топиш маҳол бўлган сарлавҳачалар қўйган: «Чумчуқ сўйса ҳам қас-соб сўйсин», «Пашшадан фил ясаб бўладими?», «Амманнинг бузоғи», «Пилқибоп таржима», «Бурга ҳам тепадими?», «Бурганинг оёғи тақаланди», «Мингоёқнинг оёғи мингта эмас», «Итальянча ва ўзбекча бир мақолнинг мовандлиги», «Бемаъниликдан келиб чиққан маъни», «Шакли тескари-ю маъноси тўғри», «Душманнинг душмани — менинг дўстим», «Мақоллардан пайдо бўлган мақоллар» — булар 84 та аломат сарлавҳачалар-



нинг айримлари. Гоголь, Чехов ва бошқа адиблар ишлатган мақол ва идеомалар нафақат ўзбекчага, айти чоғда, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа қардошларимиз тилларига қандай ўгирилгани ҳақида қизиқарли мисоллар, қиёслар келтирилган. Шундан бери олим қалами остидан чиққан ҳар бир битикни қўймай ўқиб бораман.

Ғайбулла Саломовни ўқисангиз, каломнинг эшитсангиз, билимингиз, тасаввурингиз кенгайди, тилимининг бой имкониятларига, нафислиги, позиклиги, ажиб товланишларига ҳайрону дол қоласиз, лисоний камбағаллигимиз, камҳафсалалигимиздан бенхтиёр ҳижолат чекамиз. Энди олим, муатлим ҳақидаги айрим фикрларини эшитсак. Биринчи сўз, ҳа, топдингиз, биринчи шогирдига.

**Н. Комилов**, филология фанлари доктори, профессор: «Ғайбулла Саломов — меннинг устозим. Катта ҳарфлар билан ёзилган устоз. Устозлик шогирдлар эҳтироми, халқ эҳтироми, жамоатчилик эҳтиромига сазовор бўлган чиннакам раҳнамо одамнинг Унвони. Ғайбулла Саломов илми билан, меҳри билан, қалби ва одамлиги билан устоз. У ўз шогирдларини фарзандай яхши кўради, балки ундан ортиқ, чунки фарзандларига ажратолмаган вақтин шогирдларига ажратади, фарзандларига қилмаган ҳожатбарорликни шогирдларига қилади. У шогирдлари билан шавқ-завққа тўлиб ишлайди, ўзининг болаларча қизиққонлиги, болаларча соддалигини сингдиради.

Домла ўз ишига мажнуона ихлос билан берилади. Хоҳ таълим-тарбия жабҳаси бўлсин, хоҳ илмий тадқиқот, хоҳ шогирдлар иши, хоҳ бирор ҳужжат тайёрлаш бўлсин, бирор марта унинг бефарқ бўлганини сезмаганмиз.

Биринчи ўзбек қомуси, миллатнинг шаҳодатномаси аҳамиятини англаш, бундай ишга бош-қош бўлиш учун Саломовдай довурак ва қомусий билим соҳибни бўлмоқ лозим: у ҳам тилшунос, луғатлар ошини, ҳам адабиётшунос, ҳозирги ўзбек адабиёти, жаҳон адабиётидан юксак билимга эга олим. У киши рус, форс, немис тилида бемалол гапириб, шу тилларда ёзилган илмий ва адабий манбаларни бемалол тадқиқ этганига шохидмиз.

Ғайбулла Саломов жумҳуриятдагина эмас, Иттифоқда ҳам аввало таржимашунос, Урта Осиёда таржимашунослик илмий, таржима назариясини, таржима таълимининг асослагани, мактаб яратган олим сифатида маълум. Баъзилар таржимашунос деганда жуда тор маънода, бир тилдаги матнни иккинчи тилдаги матн билан

солиштиришни назарда тутадилар. Ваҳолонки, таржимашунослик қомусий билим ва етук адабий танқидчи истеъдоднинг талаб қилади. Шунинг учун қомусчи Саломовнинг машҳур таржимашунос олим бўлиши табиий ҳол.

Ғайбулла Саломов катта миқёсдаги маърифат соҳиби, миллат ғамини ейдиган, унинг маданияти, келажаги, шаъну шарафини кўтаришга хизмат қилишга доимо шай истеъдодлардан».

Ҳа, энди тўнғич, сеvimли шогирди бўлгандан кейин оғзига сиққанича мақтайди-да, деб ўйлаши мумкин баъзи бировлар. Лекин Н. Қомиловнинг ҳалол, ҳақгўйлигини биладиган кўпчилик Ғ. Саломовни ундан ўтказиб, тўлиқ, холис таъриф-тавсиф этиб бўлмаслигига ишонади. Қелинг, бўлмаса, бошқалардан эшитайлик:

«Адабий жанрлар масаласи» тўплами муҳарририятининг ижодий билингвизм ва муаллиф таржимаси, шунингдек, ўзбек адабиёти ва фольклорининг лисоний хусусиятлари мавзундаги мақолаларингизни муштоқлик ила кутади, бу ҳақда сиз билан Софияда келишиб олган эдик. Бу ерда сизнинг «Игорь жангномаси»да туркизмлар» мақолангизга жуда қизиқиб қолишди, зудлик билан юборинг, мўтабар журналлардан бири босмоқчи».

**Зигмунт Гросбарт (Варшава).**

«Илмий мактабларини яратиб улгурган украин ва ўзбек қардошларимизга ҳавасимиз келади. Тошкент дорилфунунида анчадан буён ва муваффақият билан таржима кафедраси иш олиб бораётир, таржима бўлими мавжуд бўлиб, уни факультетга айлантириш масаласи қўйилмоқда. Ўзбек тилида таржимага оид кўпгина ўқув-педагогик ва илмий-назарий адабиётлар нашр этилмоқда. Ёзувчилар уюшмаси вақти-вақти билан «Таржима санъати» тўпламини чоп этиб турибди».

**Б. Тоирбеков, фан доктори, ОДУ профессори**  
(«Бакинский рабочий», 1979 йил 4 август).

«Ҳар бир олимнинг тақдири ҳар хил кечади. Баъзилар негизин бошқалар томонидан солинган, кўпи олдиндан маълум йўналишда кетади. Бошқа бировлар ўзларини синов, машаққатларга чоғлаб, янгилик, номаълумлик йўлини танлайдилар. Шундай бўлиб чиқдики, зоҳиран вазмин, хотиржам кўринадиган, ботинан эҳтиросли, безовта, доимо изланувчан, интилувчан Ғайбулла Саломовга ҳаётнинг ўзи ҳамма ерда янгилик қарор топтириш учун майдон ҳозирлаб берди, у ҳар доим, ҳеч

иккиланмай, ўзини бу майдонга — ўтга-чўққа урди, кўп заҳмат чекди, асаблари кетди, пировардида, голиб келди. Устози Аҳмаджон Ёкубов билан уруш арафасида тўхтаб қолган «Фан ва турмуш» журналини қайта йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлари («ҳозир айтса, ишонмаслик мумкин: юқорининг қарор-парорисиз журналнинг янги сонини чиқариб юборибмиз»), профессор Жуманиёз Шарипов билан ҳамкорликда ФА Тил ва адабиёт институтида таржима назарияси секторининг очилиши, миллий қомусимиз йўлидаги катта, серғалва ишлар, ЎзСЭ қошида энциклопедик ва икки тиллик луғатлар муҳарририятининг ташкил этилиши, проф. А. А. Реформацкий ва бошқа таниқли лингвистларнинг таржима тарихи ва назарияси филология илмлари қаторида мустақил мақомга эга эмас, умуман таржимашунослик ноистикболли соҳа, қабилдаги бир ёқлама, нотўғри қарашларни А. Федоров, Т. Гаччиладзе, Б. Тоирбеков сингари нуфузли олимлар қаторида инкор этиши, таржимашуносликни қарор топтириш борасидаги салмоқли тадқиқотлари, жаҳон классикларининг ўзбекча таржималари ҳақидаги китоб, мақолалари шулар жумласидандир».

**Қ. Хоназаров**, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

«Бугун «Таржима назариясига кириш» деган китобингизни ўқиб тугатдим. Бирор дарслик мени бу қадар мафтун этмаган эди. Сизнинг дарслигингиз бошқа ҳар қандай дарслик учун эталон бўлиши керак деб ўйлайман. Чуқур илмийлик, баённинг содда ва мароқлилиги, услубнинг ойдинлиги, тилининг ширалилиги, баланд эҳтирос... хуллас, фазилатларини санаб адо қилолмайман. Умрим давомида сизнингдақа битта китоб ёзганимда, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблаган бўлардим».

**Одилжон Носиров**, профессор (Наманган шаҳри).

Таниш-нотанишлардан келган, келаётган бундай илиқ мактублар, дилнома, ташаккурномалар жуда кўп. «Дружба народов» муҳаррири Сергей Баруздин журналда босилган «Олтин миёна қаерда ўзи?» мақоласи учун унга ташаккур билдирган, бундан кейин ҳам ёзиб туришини сўраган эди. Хитойлик профессор Чжао Шунь Янь эса унга ўз мулоҳазаларини билдириб, мактуб йўллаган. Боку, Ереван олимлари, адиблари ҳам доимо уни ўз анжуманларига чорлайдилар..

Мана, «панадаги фақир киши»нинг ишлари сарҳисобидан бир шингил...

Шогирдлари, ҳамкасблари, дилдош дўст-биродарлари: «Баъзилар бир-икки асари билан академияга мухбир аъзо, хатто ҳақиқий аъзо бўлиб кетишяпти, барча китобу тадқиқотларингиз жамланса, салкам бўйингиз барабар бўлади, нега ариза бермадингиз?» — дейишса, чуқур бир самимият билан: «Мен худодан докторлик, профессорлик тилаганман, шукурки, шунга эришдим», — дейди. Ортиқча суриштира, ташвиқ қила бошлаган бир ҳамкасбига: «Истеъдодли ёшлар йўлига тўғоноқ бўлишни хоҳламадим. Бахтиёр Назаровни сеvimли шогирдим қаторида кўраман, мухбир аъзоликка муносиб кўрилганидан хурсандман», — деди. Б. Назаровнинг ўзи ҳам бир илмий кенгашда «Ғайбулла Саломов менни қомусга ишга олган, оталик меҳри-қўрини аямаган, бир умр миннатдорман», — деган. Шогирдларидан бири А. Умаров фан номзодлигига диссертация ёқлаган кун: «Ота-онам кўзи тирик, лекин Тошкентда отам Саломов, онам Саломова», — деди кўзи ёшланиб.

«Панадаги фақир одам» донио фуқаро қуршовида, одамлар орасида. У одамларга, одамлар кўпроқ унга талпинди, кўнгил кўнгилдан сув ичди. Ундан, шогирдларидан курс, диплом иши мавзуси олишчи хоҳловчилар кўп бўлади. Қасалхонада ётганида уш сўраб борувчиларнинг кети узилмади, гарчанд, кўпинча, ҳузурига қўйишмаса ҳам. Уйига ҳам узмай одам келиб туради. Шаҳрибону опа («менинг суткасига 24 соат қарайдиган, маош олмайдиган, беминнат бош шифокорим, — дейди ҳазил аралаш Ғайбулла ака) домла чарчаб қолмасмиканлар дея жиндак хавотирга ҳам боради, лекин яхши бўл, нурли юз ҳамдам, малҳам, жон озини эканлигини билиб, индамайди.

Ғайбулла акадай фуқаропарвар одамни топиш маҳол. Кўнгли тортган одами, у талабам, домлам, бари бир, Намангангами, Жиззахгами, тўй ё бошқа маъракага айтса, борган вақтлари кўп бўлган. Дарҳол кўна қолади, ўзини тарозига солиб, баҳона ахтариб ўтирмайди. Чойхонага таклиф этилса, жон деб боради, кўпинча, ўзи ташкил қилиб, яқин дўстларини чорлайди, очилиб сўзлайди ва ударнинг суҳбатини олади. Суҳбатларда, бир қултум олмаса ҳам, очилиб, яйраб, «ҳарорати ошиб» ўтиради, қизиқ гаплар, тарихлар айғиб одамларни кулдиради, баъзан қайғули дамлар, ўтиб кетган яхши одамларни эслаб... рўй-рост йнглаб юборади, аҳли суҳбат кўнгли бўшаб кетади.

Бир йили шогирди Тилак Жўра, уйи йўқ, маошнинг тайини йўқ, зах ҳужрада яшаб, ўзи, бола-чақаси касал бўлиши жонидан ўтиб кетган, ҳамма нарсани ташлаб, ҳаё ҳайт деб Қоракўлга жўнаб қолди. Домла унинг дарсларини ўтиб, чала ишларини битириб юрди, бениҳоя таъсирли хат ёзиб юборди. Сўнг Бухорога бориб, икки-уч кун қолиб, обдон гаплашиб, насиҳат қилиб, қайтариб олиб келди. «Бундай воқеа меннинг ҳам бошимдан ўтган, шундай кезларда кимнингдир аралашуви, мадади жуда керак,— дейди ўша воқеани эслаб. Кўп ўтмай Тилак диссертация ҳам ёқлади, уй ҳам олди, китоблари чиқиб турди, ишлари жойида («Москвада, ВАК эшигида сарғайиб юрган кунларимда оғир портфелимни кўтариб, руҳий мадад бериб юрган шу бола эди, пулларимиз тугаб, ипподромдаги арзонгаров меҳмонхонада ётиб юрганимизда унинг қилган меҳрибончиликларини қандай унутай»). Хулоса: Ғ. Саломов шогирдлари диссертациясини муддатда, ҳатто олдинроқ ёқлаши учун барча саъй-ҳаракатлар қилади. Ишини чўзиб юрган шогирдларидан бири бир кун «Социалистик мусобақа голиби бўлибман»,— дея мактанган бўлиб, нишонини кўрсатганда «Бунақа темирчаларга қизиқмай, ишни тезлатинг», деган эди устози пинагини бузмай. (Қиёс: ўзига тўқ оилалардан аспирант танлаб, тезроқ ёқлашидан манфаатдор бўлмаган, бақувват қариндошларни узоқ «соғиб» юрадиган «устоз»лар йўқ дейсизми).

## ГАЙБУЛЛА САЛОМОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Ғайбулла Саломов ёзган, ўзгирган, таҳрир қилган, тартиб берган мақола, китоблар таҳланса, бўйин баробар келади, деган гапда жилла ҳам муболаға йўқ. Шогирдлари, ҳамкасблари олим таваллудиннинг 50 йиллигига бағишлаб библиографик кўрсаткич (масъул муҳаррир Нажмиддин Комилов, тузувчилар Тиллак Жўраев, З. Алимова, Тошкент, ТошДУ, 1982), 60 йиллигига бағишлаб «Профессор Ғайбулла ас-Салом» номли илмий ва ижодий фаолиятига оид маълумотнома (тузувчилар фан доктори Муҳаммаджон Холбеков, фан номзоди Салоҳиддин Ҳайитов, Пошали Усмон, Зоҳиджон Содикий, Салим Жабборов, муҳаррир проф. Н. Комилов, сўз боши муаллифи — Беруний мукофоти совриндори, проф. Э. Каримов) нашр этдилар.

Биринчи кўрсаткичдан кўра иккинчиси — маълумотнома, табиийки, анча кенг, тўлиқ. Унда Ғайбулла ас-Саломнинг ҳаётий ва илмий-педагогик ҳамда адаб-илмий фаолиятига доир асосий саналар, илмий суврати ва сийратига чизгилар, таржима ҳақидаги фикрлари, муаллиф қўллаган тадорик (методика), янги фикр, хулоса ва тамойиллар, рад этилган қарашлар, тақдим этилган таклифлар, қаламига мансуб илмий (монографик) асарлар, рисола, дарслик ва қўлланмалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар, ўқув-тадорик ишлари, илмий ва адабий таҳрирчилик, тақризчилик, таржимачилик, бадий ижод ва мақоланавислик (публицистика), асарларига чоп этилган тақризлар, ишларининг алифбо кўрсаткичи, ўзбек назарий таржимачилиги мактаби, фан докторлари ва фан номзодлари тайёрлаш фаолияти, ихтисосликлар, илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик (консультантлик), ёклашга тавсия этилган диссертациялар, докторлик ва номзодлик илмий даражаларига даъвогар тадқиқотчилар, профессорлик унвонига тавсия, расмий мутасаддилик (оппонентлик), ҳимояларда ҳолис муассаса сифатида иштирок этган илмий даргоҳлар ва олий ўқув юртлари, ҳамкорлик қилган мутахассислар тўлиқ кўрсатилган.

Профессор Ғайбулла ас-Саломнинг ҳаёти, фаолияти ва кўп қиррали ижоди билан танишаман деган киши, энг аввало, ана шу кўрсаткич, маълумотномалар билан танишгани маъқул (ҳар икки маълумотнома содиқ шо-гирдларни, оқибатли ҳамкасбларининг ҳайрли, савоб, эса қоларли ишларидан, ҳамма йирик олимлар ҳам, афсуски, бу марҳаматга ноил бўлавермайди), кейин қизиқиб қолса (қизиқиб қолиши шубҳасиз), вақт, имкон топиб ранг-баранг мавзу, жанрларидаги асарларини мириқиб, маза қилиб ўқиши мумкин.

Беруний мукофоти совриндори, филологня фанлари доктори, профессор Э. А. Қаримов ушбу маълумотномага ёзган сўз бошисида сермахсул олим Ғайбулла ас-Салом яратган илмий тадқиқотлар ҳажми 278,7 босма табоқдан иборат (методика, адабий публицистика, адабий таржимачилик ҳамда бадний ижодга дахлдор асарлари бу ҳисобга кирмайди) эканлигини маълум қилгач, «Гоҳо ўйлаб қоламан: шунча ишни қилишга у қандай улгурди? Сон кетидан қувниш сифатга салбий таъсир килмасдан иложи йўқ. Бироқ Ғайбулла ас-Саломнинг ишларига татбиқан мен асло бундай дея олмайман. Чунки қайси соҳага, қай юмушга ва қай бир муаммога қўл урмасин, буни у сидқидил, қиёмига етказиб, ҳалол, покиза бажаради. Ўзини фанга бус-бутун бағишлаган инсон. Унда илмий ва ижодий манфаатдан бўлак манфаат йўқ. Ниҳоятда сабр-бардошли ва қа-ноатли. Бугунги ишни эртага қўймаслик нари турсин, аксинча, эртанги ва индинги ишни ҳам бугун бажаришга умр бўйи интилди. Ҳа, кўп нарса қилишга улгурди!» — дейди камолни эҳтиром ила.

Қуйида, ушбу кўрсаткич, маълумотномадан фойдаланиб, озиқланиб, хамир учидан патир сифатида, Ғайбулла ас-Салом илмий ва ижодий фаолиятига қисқача тавсифнома бериб ўтиш билан чекланамиз. (Олимнинг бой, серқирра ижоди салмоқли, жиддий тадқиқотлар, диссертациялар мавзун эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз).

#### **ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ ИЛМИЙ СУВАТИ ВА СИРАТИГА ЧИЗГИЛАР**

Таржима назарияси, қисман, таржима тарихи масалалари билан шуғулланади. Таржимани адабий-лисоний ва қиёсий-услубий йўриқда комплекс ўрганиш тарафдори. Бадний таржимага бадний ижоднинг таркибий қисми деб қаради. Таржимашуносликни эса умум-

филологик фан соҳаси деб билади. Таржима тарихи проблемаларини ҳам тавсифий талқинда эмас, балки назарий зайлда ойдинлаштиришни талаб қилади. Таржимавий проблемаларни тиллар ўртасидаги лисоний тафовутлар, турли ижодий мактаблар намояндалари, хилма-хил тамойилларнинг, хос услубларнинг дучлашуви бағридан излайди. Унинг даъвосига кўра, таржима: а) тайёргарлик даври, б) жараён, в) эришилган натижани ўз ичига олади. Шунга кўра, муайян таржима таҳлилига киришганида: 1) мавжуд таржима анъаналарини, 2) айна таржиманинг юзага келишини, 3) шу тилда ёки бошқа тилларда яратилган таржималардан фарқини, 4) амалга оширилган таржиманинг маълум давр ўтиши билан ватан адабиёти тараққиёти ёхуд таржимоннинг ўз ижодий тақомилига таъсирини аниқлашга уринади.

Таржима ва мантик, таржима ва луғат, таржима таҳрири, зулнисонайнлик (биллингвизм) ва таржима, таржима тадорики (методологияси), таржимада адабий ўғрилик (плагиатлик)нинг ўзига хос кўриниши, адабий анъана ва бадний таржима, реалистик таржима талаби ва унинг қарор топиш тадрижиёти (эволюцияси), ўзбек адабиётининг таржимавий харитасини тузиш, таржимон маҳорати (ижодий сиймо) сингари масалалар устида тадқиқот иши олиб боради (Профессор Ғайбулла ас-Салом. Маълумотнома, 12-бет).

## ТАРЖИМА ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ

Ҳар бир таржима таржимоннинг таржимани қандай тушуниши маҳсулидир. Адекват (мукамал), эркин, ҳижжавий, тақлидий, сипо (академик) таржималар мавжудлиги қисман шунинг натижаси.

Таржиманинг асл нусхасига сўзма-сўз мослигини енгиб ўтиш чизигидан таржимон маҳорати бошланади.

Таржима тараққиёт доясида. Таржима — давр маҳсули. Ҳар бир давр ўз таржимавий анъаналарини яратади.

Таржимада маъно бирламчи, шакл иккиламчи. Бироқ бунда, таъбир жоиз бўлса, мазмун моҳияти шаклий, шакл моҳияти эса мазмунийдир.

Ҳар бир тилнинг ўз «таржимавий қуввати» бор. Бир тилга таржима қилинган нарсани бошқа тилга «худди шундай» таржима қилиб бўлмайди.

Ҳар қандай таржима ҳам тилнинг нимага қодирлигини намоеън эта олмайди.



Таржима икки халқнинг тилидан, дилидан, моддий ва маънавий ҳаётидан **УХШАШЛИК, МОНАНДЛИК, МУШТАРАҚЛИК, ТЕНГЛИК** қидириш демак.

Тилсиз таржима қилиб бўлмагани сингари, фақат тилнинг ўзи билан ҳам таржима қилиш амримаҳол.

Ун йил мобайнида мен «Анна Каренина» романидан атиги 20 сўздан иборат иккита гапни бир неча юзлаб талабаларга таржима қилдириб кўрдим. Бирон киши ҳам Мирзакалон таржимасига ҳатто яқинлаша олмади..

Муаллифни ўз қароргоҳига чорлаш учун аввал ўзинг даргоҳига бош уриб боришинг керак.

Таржимада энг муҳим нарса меъёрни биллиш ва сақлашдир.

### ТАДҚИҚОТЛАРИ, КИТОБЛАРИ

Файбулла Саломов мактабда ўқиб юрганида тил-адабиёт ўқитувчиси Урин Камол қатағон қилинган адиб — Абдулла Қодирийнинг тақиқланган асари «Утган кунлар»ни унга — сеvimли ўқувчисига ўқишга беради, Урин ака бутун уруш давомида бу китобни ўзи билан олиб юради, қалтис ишга қўл урганидан чўчимайди, бу нарса ошкор бўлиб қолганда ҳам ўзини йўқотмайди, мард. ростгўй тутади, саволларга тўғри, мантиқан асосли жавоблар беради ва ... терговчини Қодирийнинг машҳур адиблигига, ноҳақ қатағон қилинганга ишонтиради. Ғ. Саломов кейинчалик, «Ўзим билан ўзим» эссе-сида бу ҳақда батафсил ёзади. Урин Камол ёш йигитда адабиётга кучли ҳавас уйғотади. Мактабдаги ўрис тили ўқитувчиси В. Ф. Ткаченко ҳам қирк тўққизинчи йили унга А. П. Чеховнинг «Танланган асарлар»ни совға қилади: «Бу туҳфа менинг бутун умримга татиди. Уша вақтлардан бошлаб майда жанрда катта гап айтган бу алп ёзувчининг бутун меросини ўз халқимнинг маънавий мулкига айлантириш хусусида беихтиёр ўйлай бошладим. Бу яширин ният мени зимдан таржима оламига етаклаётганини у кезларда ҳали билмас эдим».

Тил, адабиётга бўлган кучли муҳаббат уни Самарқанд Давлат университети филология факультетига етаклади. Бу қутлуғ даргоҳда у Улуғ Турсун, Воҳид Абдулла сингари алломалар, уларнинг ҳамкасблари, шоғирдларидан сабоқ олади, тил, адабиёт соҳасидаги bilimларини кенгайтиради, чуқурлаштиради. Университетда А. П. Чехов ҳикояларини А. Қаҳҳорнинг қойилмақом таржимасида ўзбекча ўқиганида ҳар икки адибга ҳайрати, муҳаббати ошади, таржима ҳақида илқ мақола-

сини ёзади, таржимашунослик бир умрлик соҳаси эканлигини англаб ета бошлайди.

Яхши бузоқ икки онани эмади деганларидек, Ғайбулла Саломов икки..., йўқ, уч онани эмиб вояга етди — Самарқанд дорилфунунда таҳсил олди, Тошкент дорилфунунда ишлапти, орада Фанлар академиямида ишлади, ўқиди, ҳозирга қадар ҳам мустақкам алоқада бўлиб келяпти.

Матбуот юзини кўрган илк мақоласи «А. П. Чехов ҳикояларининг баъзи бир тил ва услуб хусусиятлари тўғрисида» («Ленин йўли», 1954 йил 13 июнь), илк рисоласи «Ўрисчадан ўзбекчага бадний таржиманинг баъзи назарий масалалари хусусида» (Тошкент, 1957) дея аталиб, уларда Чеховнинг «Буқаламун», «Ойини этак билан ёпиб бўлмас», «Ёвуз ниятли киши» ҳикоялари таржимаси хусусида сўз юритилади.

ТИЛ ВА ТАРЖИМА. Монография. Тошкент, 1966, 382 бет. Китобда ўрис тилидан ўзбекчага таржима қилишнинг биринчи умумфилологик масалаларни ёритилган. Унда таржиманинг асосий «қурилиш ашёси» бўлган сўз, унинг фонетик либоси, маъновий (семантик) ва услуб хусусиятлари ҳамда таржима жараёнида синонимлардан истифода этиш каби муаммолар муфассал текширилган. Бадний таржимада муаллиф услубини акс эттиришга дахлдор муҳим фикрлар илгари сурилган. Турли-туман таржималарни, далилларни чоғиштириш асосида яратилган бу асарда муаллиф бадний таржиманинг бир қанча лисоний сирларини очишга ҳаракат қилган. У ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўпгина таржимашуносликка доир асарларни ва кўҳна таржималарни қидириб топди, таҳлил қилди, илмий муомалага йўналтирди. «Тил ва таржима» Ғ. Саломовнинг энг йирик, салмоқли, жиддий асари бўлса-да, бадний асардай мароқ билан ўқилади.

БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА АДАБИЙ ТАҲРИР ПРОБЛЕМАЛАРИ. Илмий тадорик қўлланма. ТошДУ, 1973, 98 бет. Муаллиф олий дорилфунун таҳсилида таржимавий сабоқнинг назарий ва илмий-тадорик мазмун мундарижасига доир масалаларни кенг талқин қилиш йўриғида илгари суради.

ТАРЖИМА АСОСЛАРИ. Ўқув қўлланма. ТошДУ, 1976, 88 бет (ҳаммуаллиф С. Аъзамов). Муқаддима курс сифатида яратилган бу қўлланмада олий мактаб талабаларига амалий таржимачилик иши ва назарий таржимашунослик юзасидан мухтасар билим берилган. Унда зуллисонайлик (биллингвизм) ва таржима, ижтимоий-

сиёсий ва илмий-техникавий китоблар таржималарида истилоҳот, илмий услубни ифодалаш йўриқлари, таржима ва луғат, инъикос назарияси ва таржима муаммолари юзасидан баҳс юритилган, мазкур масалалар бўйича талабаларга маълумот берилган.

**ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИГА ҚИРИШ.** Дарслик. Тошкент, 1978, 218 бет (муҳаррир О. Тоғаев). Таржима — лисоний, адабий-эстетик ҳодиса, сўз санъати, таржимон эса ижодкордир. Муаллиф таржима жараёнини кенг миқёсда тадқиқ этади. Китобда таржима назарияси, танқиди, қисман тарихига доир кўпгина қизиқарли маълумотлар берилган. Дарслик таржимонлар, тил ва адабиёт муаллимлари, олий мактаб талабалари, аспирантлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**АДАБИЙ АНЪАНА ВА БАДИИЙ ТАРЖИМА.** Тошкент, 1980, 160 бет. Ўрис ҳамда Шарқ ва Ғарб, Оврупо адабиётлари асарларининг таржималари ўзаро алоқа ва таъсир асосида тадқиқ этилган. Унда услуб ва услубий мослаштириш, шунингдек, ўзбек таржимонларининг ижодий тадорики тақомилида Ғарб, биринчи галда Ўрис ва қардош халқлар бадий таржимачилигида ортирилган бой тажрибаларнинг роли масалалари ёритилган.

**ДУСТЛИК ҚУПРИКЛАРИ.** Монография. Тошкент, 1979, 224 бет (ҳаммуаллиф Н. Комилов). Шеърӣ таржима хусусида баҳс юритилади. Унда назм таржимаси адабий анъаналар ва адабий алоқалар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб текширилади. Ишнинг биринчи бобида, асосан, Ғарб адабиёти, хусусан, Ўрис шеърини намуналарининг ўзбекча таржималари ҳамда, қисман, ўзбек шонрлари асарларининг ўрисча таржималари таҳлил қилинса, иккинчи бобда ғазал таржимаси муаммолари ҳақида фикр юритилади. Муаллифлар шеърӣ таржима қурилмаси, унинг асосий талаблари, ўзига хос нозик томонлари, вазн, қофия, радиф, байт-барбайтлик (эквиленеарлик), оҳанг муқобиллиги (эквиритмия), вазн муқобиллиги (эквиметрия) каби соф таржимавий тушунча ва категориялар юзасидан мулоҳаза юритиб, ҳийла кенг назарий умумлашмаларга келганлар.

**ТАРЖИМА ТАШВИШЛАРИ.** Тошкент, 1983, 192 бет. Таржима жараёни таржима қурилмаси, таржима санъати билан боғлиқ барча жабҳаларни қамраган ҳолда таржимага эҳтиёж туғдирувчи омиллар, пировард натижада эришилган ҳосила, яъни муайян таржима туфайли ватан адабиётида пайдо бўлган сифат ўзгаришлари ҳам бақамти таҳлилдан ўтказилган. Услубнинг соф на-

зарий-қолипловчи (типологик) талқини берилиб, сўнгра у таржима мавқеидан туриб талқин қилинган. Ишда тиллараро айрим воситалар ва лисоний-услубий қатламлар қиёсига эътибор қилинган ҳолда кенг маънода таржима имкониятлари, таржима бўлиш (ёки бўлмаслик) концепциясига муносабат билдирилган.

**ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ.** Дарслик. Тошкент, 1983, 232 бет. Маданий-илмий ҳамкорлик ва таржима баҳси тарихий негиз асосида ўрганилган. Муаллиф услубий ифода тарзининг унинг ўз ижоди ва бадний таржима жараёнидаги хусусиятини кўрсатишга ҳаракат қилган. Услуб тушунчасига вобаста умумий муштарак-типик кўринишлар билан бирга, хусусий, якка, бетакрор жиҳатлар очиб берилган. Миллий хослик сўз, мусиқа, ҳаракат ва ранг тушунчаларига татбиқан таҳлил қилинган. Муаллиф ва таржимон услуби, таржимада ўзлик (субъективизм)нинг икки хил кўриниши, таржимавий мослаштириш (трансформация ва локализация) ҳодисалари, уларнинг меъёри ва даражалари, миллий идрок хусусиятлари, бадний таржима ва талқинида донишийлик, соддалик, мураккаблик масалалари ойдинлаштирилган. Услубий мослаштириш (стилизация); маъновиёт (семантика), синонимия, нақлчилик, ибора-созлик, истилоҳотнинг иштироки аниқланган. Шеърий таржимадаги вазн трансформацияси ва муқобил оҳанг проблемасига катта ўрин ажратилган.

Ғайбулла Саломов китобларининг энг муҳимларигагина тўхталдик, тўғрироғи, «Маълумотнома» маълумотларини келтирдик, олимнинг бошқа катта-кичик тўплам, китобларига тўхташ имкони бўлмади. Бу ва бошқа китоблари нашрдан чиққач, одатда, уларга икки, уч, баъзан кўпроқ махсус тақризлар бағишланган, диссертация, китоб, тадқиқотларда мудом тилга олиб ўтилган, бу уларнинг қимматини, аҳамиятини тасдиқлаб турибди, албатта.

Олимнинг илмий мақола, тақризлари сони 200 дан ошади, улар қирқ йил давомида турли нашрларда (бир қанчаси жумҳуриятимиздан четда), айримлари хорижда эълон қилинган. Ўз вақтида шов-шув бўлган, тилга тушган мақолалари ҳам анча. Унга яқин ўқув-тадорик ишлари бор.

Ғ. Саломов Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Ж. Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» асарларига, Ўзбек қомуси сўзликлари, «Таржима санъати» тўпламларига илмий ва адабий муҳаррирлик қилган. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган та-

биб» деганларидай ўзи кўпгина илмий, бадиий, публицистик асарларни таржима қилиб бу ишнинг нақадар оғир, масъулиятли, шарафли иш эканлигини туйган.

## ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА АНДАК ЛУТФ

Ғайбулла ас-Саломнинг «Қалдирғочнинг ракетага дегани», «Фалсафага раддия ёки қулоққа исирға», «Бир қув оғамга», «Ҳайвонот боғида» каби шеърлари илк бор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1989 йил 10 март сониди босилди. Шундан кейин турли нашрларда «Дунё экан бир қўшиқ», «Оҳуни кўзлаб», «Паймона», «Дарз кетди», «Бўлганим бўлган», «Ўзимни ўйлайман», «Одамлар», «Эрк ҳақида чўпчак», «Қашпировскийга хат», «Қодирхон», «Кўнглимдай синиқ сатрлар», «Сурмаи Сулаймон», «Шатранж», «Яшил китоб», «Эй, метин қалб...» «Рамз, Қуёш, Меҳристон», «Довул» каби шеърлари бирин-кетин эълон қилинди, айримлари радио, телевиденидан ўқилди (шеърларининг мавзу, муаммолари сарлавҳаларидан ҳам бир қадар кўриниб турибди).

«Олтмишга кирганда шоирлик даъво қилиб қаёққа ҳам борардим,— ҳазил аралаш дейди Ғайбулла ака.— Бизники бир изҳори дил. Баъзан туйғулар жўшиб, руҳий безовталиқ тинчлик бермай, эҳтирослар, изтироблар оқимини жиловлаш қийин бўлган онларда беихтиёр шеър ёзганинг билмай қолар экансан». «Кечиккан шоирнинг қабул эт, элим, Дардинга суқланиб бўлойин малҳам».— дейди бир шеърида у.

«Дили жўшиб», «ақли шошиб», «завқи тошиб» кетганда сатрлар қуюлиб келаверади. «Дунё экан бир қўшиқ. Ўз завқию нидоси билан»,— дейди бир шеърида ўзига мурожаат этиб, «Бўлсанг-да бир митти чумоли, ўзни чоғлаб фил, юрдинг сарбасар, ғофил, Бой бериб фурсат. Билмадингки, дам ғанимат, одам ғанимат, Инсонни инсон қилган ишқ».

«Жим туrolмайман!» Бу виждонли, диёнатли ижодкор, жумладан, шоир шиоридир. Ғайбулла ас-Саломнинг бир қанча шеърлари жим туrolмайдиган виждон нидосидир.

Яшамоқнинг борми маъноси —  
Номардлар кўзингга суқсалар чўп.  
Борми яшамоқнинг маъноси  
Куппа-кундуз кунни нблис-ла раҳмон  
Ўпишса чўлп-чўлп...

Дажжолу юҳоларнинг ютоқиб, Алпомишлар Ултонга боқиб, Барчинлар ўзини ёқиб, Тоҳирлар сувларга оқиб, одамзоднинг насли ўзгариб туриши шоирни чуқур ўй-изтиробга солади.

Булбул сайрамаса ўз «чуғуринда»,  
Сумбул жилмаймаса ўз йўруғунда,  
Фарзанд сўзламаса она тилинда,  
Гўдак йиғламаса она тилинда,  
Бошингдан «ҳув» этиб учади хуш,  
Ўз тилингда ҳатто кўролмасанг туш...  
Яшамоқнинг борми маъноси.

Шеър сўзшунос олим қаламига мансублиги маъноси, оҳангидан кўриниб турибди. Шоир ҳофизнинг она тилинда куйлашини, жироннинг жирлаши, олимнинг ўз тилинда ўйлашини истайди, аксини кўриб юраги ғаш бўлади.

«Хиргойи ҳақида хиргойи» шеърида кутилмаган фикрлар айтади:

Хиргойи-чи? Гўё тили гунг,  
Тоғ қаърида ётган маъдан,  
Портлагувчи мунг.  
Эҳ, биллиб бўлсайди дунё тилсимни —  
Қодирий ва Чўлпоннинг сўнги хиргойисин.

«Довул» шеърида шундай эпиграф келтирилади: раҳматли Шароф Рашидов умрининг сўнги кунида, афтодаҳол, Йўлдош Муқимовнинг «Правда» рўзномасида келтирилган қуйидаги ҳикматидан ғоят мутаассир бўлган, уни бот-бот такрорлаган эканлар:

Дов-дарахтлар сокин бўларди,  
Гар довуллар эсмаса...

Худди шу сирли — сеҳрли сатрлар Шароф Рашидовнинг руҳий оламини очишда ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади, улкан арбоб, таниқли адиб дилида қолиб кетган армон, изтиробларини айтишга имкон беради:

Денгизим турарди лаболаб,  
Дўстларим қочмасди қиёлаб,  
Алвасти қувмасди саволаб,  
Гар довуллар эсмаса...

Фалокат ўрмасди болалаб,  
Ётмасди гўримга ғишт қалаб,  
Улганнинг устига тепкилаб,  
Гар довуллар эсмаса...

Авлодлар пойдорлиги, оталар ва болалар муносабати, қадриятларга ихлос, муҳаббат Ғайбулла ас-Салом фикри-зикрини доимо банд этиб, ўйлантриб ташвишлантриб келаётган муаммолардан. Олим нуруний кексаларни бениҳоя ҳурмат қилади, уларни қадриятларимизни ташувчилар, бебаҳо хазиналар деб билди... «Мен сув ичган дарёлар» китобини икки донишманд отахон — Эшон Қутбиддин Муҳитдин ўғли билан Фузаил Махсум Исломо ўғлининг сўнмас хотираларига бағишлаган, она юрти — хатирчилик кексаларни кўп эслаб, эъвозлаган. Шоир «Сурман Сулаймон»да:

Эй мушфиқ оталар,  
Гиргиттон оналар,  
Меинг шууримда,  
Ёшлар кифтидан кўра  
Сизнинг кафтингизда  
Туради дунё,—

дейди. Қишлоқдоши, донишманд мулла Мамасоли бобо хотирасига бағишлаб бир шеър ва махсус дoston ҳам ёзган.

Шеър ҳар қалай туйғулардан, сўздан яралади. Бунда ҳам асосий қурол — сўз. Ғайбулла ас-Салом шеърлари равоқ, силлиқ, тез ҳазм бўлади, гўё шоир назмларга тартиб беришда ҳеч қийналмагандай. Аслида ундай эмас. Шоир-олимнинг лисоний хазинаси, луғати бойлиги, бир неча тилни билиши, мумтоз адабиёт ила қални ошнолиги, керакли сўзни тез топиб, ўрнида ишлатиши, фикр, эҳтирос, тасаввурининг кенглиги бонси бу.

Баъзан ўйлаб кетаман. Ғайбулла ас-Саломни шеър ёзишга ундаган сабаблардан бири оилавий анъана, шоирларнинг тез-тез ташриф буюриб, ашъорлар янграб туриши бўлса ажаб эмас. Юзга кириб вафот этган даси бедилхон, ҳофизхон, навонхон бўлган бўлса, кувви, қизи, шогирди шоир бўлса, бу олим қаёққа борсин. Тўғри, баъзи шеърларида фикр палласи туйғу палласини босиб кетгани сезилиб, муаллифи олим экани биллиниб қолади, лекин ҳеч бир шеъри, сатрлари кишини бефарқ лоқайд қолдирмайди.

Шеър, публицистика халқ дарди, юрт ташвишларига, айниқса эш, ҳозиржавоб, бири бирини тўлдирадиган, бойтиладиган, тақозо этадиган, таъсирли, эҳтиросли жанрлар бўлгани учун ҳам Ғайбулла ас-Салом буларга қўл урди, тўғрироғи, қўл урганини билмай қолди, «Халқ дарди шоир юраги қаъридан ўтади», дея кўп биллиб айтган экан кимдир. «Мақоланавис юраги қаъридан ҳам»...» дея қўшимча қилиш мумкин.

## МАҚОЛАНАВИСЛИК ИҶЛЛАРИДА

Ғайбулла ас-Салом мақоланавислиги (публицистикаси), унинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари, услуби, маҳорати, тили ҳақида бир неча сўз. Кейинги туркум мақолалари, айниқса, «Мен сув ичган дарёлар» китоби бу ҳақда бир қадар тўлиқ, бемалол фикр билдириш имконини беради.

Долзарб мавзу, оғриқли муаммо ижодкорга тинчлик бермаган, куну тун безовта қилган, фикри зикрини банд этган пайтларда шеър, мақола юзага келади. Бундай дамларда муаллиф жанрни эмас, жанр муаллифини танлайди. «Мен сув ичган дарёлар»нинг «Ўйлар ва мушоҳадалар», «Одамлар ва муносабатлар», «Мантиқ барчага баробар», «Муҳаббат фарзанди», «Тафаккур ва тил», «Жилгалар ва дарёлар» деб номланган фасллари мақоланавис мавзу доирасининг кенглиги, муаммоларнинг миқёси, маҳорати қирралари ҳақида бир қадар тўлиқ тасаввур беради. Мақолалар, туркумлар ҳаётини эҳтиёж, зарурат тақозоси билан вужудга келди. Тасаввур этинг: олим — сўзшунос, ниманки қилган, ёзган бўлса, бари сўзга, тилга дахлдор. Кейинги йилларда тилимиз атрофида қанча жиддий гаплар бўлди, бўлмақда. Қонун қабул қилинди, бас, шундай экан, олим, мақоланавис бу ҳақда ёзмасдан туролмасди: «Тафаккур ва тил», «Ўзим билан суҳбат» шу тарихқа юзага келди; «Одамлар ва муносабатлар» — мавзу, муаммони сарлавҳанинг ўзи айтиб турибди. Олим онгли ҳаётни давомида қанчадан-қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлди, не-не одамлар билан муомалада, муносабатда бўлди, кимлардандир яхшилиқ, рўшнолик кўрди, кимлардир ғайрилик қилди, йўлга тўғаноқ бўлди. Бари онгида, қалбида из қолдирди, ёзишга туртки берди. Айниқса, «Бизнинг дорилфунунларимиз» бобида ўзи чорак асрдан бери хизмат қилиб келаётган Тошкент дорилфунуни, журналистика куллиёти, у ердаги илмий ва маънавий муҳит, турфа одамлар, муносабатлар ҳақида рўй-рост гаплар айтади, аччиқ ҳақиқатларни очиқ баён этади, юрагидаги зардобни бўшатиб олади: мактабдаги адабиёт ўқитувчиси Ўрин Камол, Самарқанд дорилфунунидаги устозлари Улуғ Турсун, Воҳид Абдулла, Тошкентдаги устоз, мураббийлари Иброҳим Мўминов, Аҳмаджон Ёқубов, юраги тўрндан жой олган адиблар Миртемир, Шароф Рашидов, она қишлоғининг донишманд кексалари — дадаси мулла Тожи, мулла Мамасоли, Саодат момо, Райим девона ва бошқаларнинг ёрқин хотираси



муаллифни доимо безовта қилиб, ёзишга ундаб туради; кимлардир иноқ, ҳамжиҳат яшаб келаётган ўзбеклар билан месхети турклари ўртасига нифоқ солмоқчи бўлса, арбобликка даъво қилувчи одам масаланнинг негизга, моҳиятига назар ташлаш, рост гапни айтиш ўрнига «бир стақан қулупнайдан чиққан можаро» деб суваб кетмоқчи бўлган бўлса, ҳақиқий аҳволни кўриб, кузатиб, биллиб турган, шогирдларидан бири месхети турк фарзанди бўлган олим чидаб туrolмайди. «Ўзма дўстлик ривасати, боғлаш қийин...» деган ларзали, таъсирчан мақола битади; арман диёрида даҳшатли зилзила рўй берганда зилзила нималигини билладиган, ваҳима, ташвишларини бошидан кечирган олим тўлғониб, тебраниб «Яна қалблар ларзон» деган мақола битади; «Бу — ўзбеклар иши», «Топдимۇ йўқотдим», «Ихлосия шифохонаси» мақолаларида. «Ваҳийдан келур бир садо» китобида қадимий Шарқ табобати анъаналари, Наманган заманидан туриб космошавтларнинг томир уриши, аҳволи руҳиясини биллиб, маслаҳатлар бериб турадиган ҳайратангиз муолажакорларимиз ҳақида гурур-ифтихорла қалам тебратади; собиқ иттифоқнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқариш вазир Олышанский «Доржотез шеъриният» («Поэзия без нитрата») мақоласи муаллифи, машҳур шоир Андрей Вознесенскийга ақл ўргатиб, гўё уни рад қилмоқчи бўлиб, Данияда ерга биздагидан ҳам кўра кўпроқ дори солинади деган ғирт ёлғонни ишлатганда, шоир «Огонек» журнали саҳифаларида хат ва шеър билан боплаб жавоб қайтаради, Олышанскийни «аморал (ғайринсоний) ўғитлар министри» деб атади. Олимимиз бундан беҳад таъсирланиб турган кезларда, апрелнинг охирида юртимизда қаттиқ совуқ бўладию анча-мунча экинларни уриб, шалпайтириб кетади. Бир гуруҳ олим, мутахассислар телевизорда давра суҳбати қуриб, деҳқонларга ерга зўр бериб ўғит ташлашни маслаҳат беришади. Худди шу нарса уни Вознесенскийнинг хати ва шеърини таржима қилишга, яна мақола ёзиб ўғитнараст мутахассисларимизга дашном беришга ундайди («Қишлоқ ҳақиқати», 1989 йил 9 май).

Ғайбулла Саломов публицистикаси, айтиш мумкин бўлса, ҳаётий, илмий-бадий публицистикадир, бошқача қилиб айтганда, ҳаётийлик, илмийлик, бадиият қоришмаси, синтездан иборат бир нарса, ажиб ҳосилдир. Ҳаётийликни биринчи бўлиб тилга олаётганимиз боиси, энг аввал реал, бўлиб ўтган рост далил, воқеаларга таяниб, шулардан таъсирланиб ёзади, бадий тўқимадан деярли фойдаланмайди. «Ҳаётда бири-биридан қизик



Гайбулла Саломов талабалар давраида.

таъсирли, ибратли воқеалар, далиллар тўлиб-тошиб ётганда тўқимага не ҳожат,— ҳисоблайди олим.— Ким нима деса десин, менинг назаримда, воқеликдан яхши хабардор бўлмаган, ҳаётини далил, ҳодисалар етишмаса рост гапни, аччиқ ҳақиқатни очиқ айтиш имкони чекланган пайтда тўқимага қўл урилади, уйдирмага туйнук очилади, тарихий мавзуга қўл урилганда йўриғи бошқа, албатта, бу — ўзимнинг фикрим, кузатишим».

Ғ. Саломов мақолалари одатда факт, воқеаларга бой, мантиқан далилланган, ҳар томонлама асосланган бўлади. Китоби фаслларидан бири «Мантиқ барчага баробар» деб аталганича бор. Муаллиф танлаган факт, келтирган қиёсларга кўпинча ҳайрон қоласан. Масалан, «Миллий қусур эмас, давр фожиаси», «Изаура» деб аталувчи бобчалар бразил адиби Бернардо Имараннинг «Чўри Изаура» деб аталган романи ва шу асосда ишланган ўн беш сиралик фильмдан таъсирланган ҳолда ёзилган. Муаллиф, хусусан, шундай мулоҳаза юртади:

«... Қуллар қамишзорда жон олиб жон бериб ишлайдилар. Ҳув ана, маъсума Изаура кўриниб қолди. Ҳолдан буткул тойган, елкасида қамиш, аранг оёқда турибди. Мана, ниҳоят, гурсиллаб ерга йиқилди.

Изаура! Менга жуда таниш чеҳра, мен уни кўрганман, ўзимнинг Изаурам-ку бу! Оҳ, шўрлик қиз, менинг Ўзбекистонимга меҳмон бўлиб кел, садага! Ўзингга етти ёт бегона бу юртда бизнинг қишлоқларимиздаги ҳамма қиз-жувонларни танийсан, бизникилар ҳам дарҳол сени таниб, билиб оладилар. Сен маълум бир муддат терга ботиб ишладинг, бизникилар бир умр шундай ишлайдилар ва шундай яшайдилар. Э, нимасини айтасан, сен елканда кўтарган шакарқамишларинг менинг изаураларимга посанги ҳам бўлолмайди. Меникилар пахта далаларидан ўн беш соатлик тинкани қуритувчи меҳнатдан сўнг гоҳо сигир-бузоғига ўт, қамиш ўриб, елкасида кўтариб уйига қайтади. Шундан сўнг уй-рўзғор, пишир-қуйдир, бола-чақа ташвиши, эрнинг хархашаси бошланади»... «Рақам ва мантиқ», «Пахта, қўй, сигир, пашша ва фил», «Олтин тувак кимга керак?» бобларида ҳам шундай диққатга сазовор далил, қиёс, тадқиқларни кўрамиз.

Публицистлик, публицистик руҳ Ғайбулла Саломовнинг «соф» публицистик мақола, китобларигагина хос эмас, олимнинг илмий тадқиқотлари, жиддий монографиялари ҳам шундай руҳ билан йўғрилган бўлиб, бадий асар сингари мароқ ила ўқилади, олим асарлари

ақл ва қалбнинг уюшуви, иттифоқи асносида вужудга келгандир. Ғайбулла Саломовнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган, ўзига хос, бетакрор, ажиб, латиф, жозибадор, саломовона услуби, дастхати бор. Муаллифнинг лисоний бисотига, сўзга бойлигига тап бермай илож йўқ, кам ишлатилган, истеъмождан чиқаётган, «атторнинг қутисидан ҳам топиб бўлмайдиган» сўз, ибораларни ўрнида ишлатиб, сайратиб юборганига ҳайрон қоласиз. «Сизнинг ёзиш усулингизни анча ўрганиб олдим,— дейман баъзан ҳазиллашиб.— Жумла аввалига «алқисса», «башарти», «бовужуд», «бани одам» сингари сўз-ибораларни қўшиб қўйсам, вассалом, Саломов услуби чиқадиқўяди». Ҳазил ўз йўлига, Саломовнинг услубини такрорлаб бўлмайди. Ўзи ҳеч кимнинг, ҳатто ёмон ёзувчи адиб, публицистнинг ҳам услубини такрорлаб бўлмайди. Неча хил одам, неча хил тийнат, феъл-атвор бўлса, шунча хил услуб, усул, ёзиш йўриғи бор. Ижоднинг ўзига хослиғи, инжиқлик, қайсарликларидан бири ҳам шу бўлса ажаб эмас.

Машҳур файласуф олим, чин инсон академик Иброҳим Мўминов ҳақидаги туркум мақолалари, бир томондан, публицистнинг янги сўзи, ижодий муваффақияти бўлса, иккинчи томондан, донгдор алломамиз хотирасига қўйилган ўзига хос ёзма ҳайкал бўлди.

Халқимиз, жамоатчилигимиз бу аллома олдида ҳали кўп қарздор, бурчдор. Тўғри, Иброҳим Мўминов ҳақида онда-сонда, айниқса, кейинги йилларда яккам-дуккам мақола, хотиралар босилди, босилиб турибди. Ҳатто ул зот ҳақида хотиралар китоби ҳам чиққан эди. «Воспоминания об Ибрагиме Муминове» деб аталган, рус тилида нашр этилган ушбу китобдан олимнинг кўпгина сафдошлари, шогирдларининг қисқа хотиралари жой олган, уларда академикимизнинг олимлиғи, устозлиғи, ташкилотчи, Инсонлиғи таъриф-тавсиф қилинган, анчагина ибратли далиллар, лавҳалар келтирилган эди. Китоб олим ва устоз хотирасини улуғлаш бобида, шубҳасиз, яхши, савобли иш бўлган эди. Таниқли ўзбек олими ҳақидаги хотиралар китоби, асосан, ўзбек ҳамкасблари, шогирдлари томонидан рус тилида ёзилгани, рус тилида нашр этилиши ҳозир бизга қанчалик эриш туюлса, у пайтларда китобнинг ўзбек тилида чоп қилиниши шунчалик эриш туюлган бўлур эди.

Ушбу китобга Ғайбулла Саломов хотиралари кирмай қолганига фақат афсусланиш мумкин. Ғ. Саломов ёзганда бошқачароқ, мароқлироқ, яхшироқ ёзган бўларди. И. Мўминов ҳақидаги хотиралар китоби ўз вақтида

нашр этилганини, устозни эслаш, эъзозлаш борасида хайрли иш бўлганини яна бир бор тан олган ҳолда бир қанча мақолаларга, умуман китобга хос бир етишмовчилик, нуқсонни ҳам қайд этиб ўтмоқ жонз. Устоз ҳақидаги хотираларнинг аксарияти бир хил йўсинда, муаллифлари бизни кечирсину, умумийроқ, академикроқ, бир кадар зерикарлироқ чиқиб қолган. Бунинг сабабларидан бири домланинг инсоний сифатларига, у кишининг тийнати, феъл-атвори билан боғлиқ ҳаётини лавҳаларга (бундай лавҳаларни шогирдлари кўп билишади, ўзаро суҳбатларда кўп эслаб юришади) кам ўрин берилганида бўлса керак. Ахир, мақолани жонлантирадиган нарсалардан бири ҳам инсоний сифатлар тавсифи, тафсилоти-да.

Ғайбулла Саломов «Қомус сабоқлари», «Ифтихор ва армон», «Дарён азим» мақолаларида Иброҳим Мўминовни Олим ва Инсон сифатида биргаликда гавдалантиради, бир қанча ҳаётини лавҳалар, ибратли далиллар келтиради. Ғ. Саломов ўзи яхши биладиган мавзуда, яхши биладиган одамлар ҳақида ёзадиган мақоланавислардан. У одатда мавзунинг онг, шуурида кўп идрок қилади, хўп пиштади, қаҳрамонини қалби призмасидан ўтказди, шундан кейин ёзишга жазм этади.

Иброҳим Мўминов, Ғайбулла Саломов Ўзбек Қомусига тамал тошини қўйганлардан, катта меҳнати синганлардан. Бири Қомуснинг Бош муҳаррири, бири Бош муҳаррир ўринбосари сифатида ҳозирда улкан хазинамиз, маданиятимиз қиёфаси бўлиб қолган Қомусимизнинг вужудга келишида, бешигини тебратишда нақадар катта хизмат қилишгани, умрининг энг яхши даврларини, кучи, билими, ғайрати, соғлигини бахшида этишгани жамоатчиликка яхши маълум. Ғ. Саломов И. Мўминов билан беш йил ҳамкору ҳамдаст, устозу шогирд бўлиб, ул зотнинг бевосита раҳбарлигида ишлашган, домладан кўп нарса ўрганган, мурувватлар кўрган, ораларида тушунмовчилик, тортишувлар ҳам бўлиб турган. Баъзи ғаразли кимсалар фитна, чақувлар орқали ораларини бузишга урнишган, бунга қисман эришишган ҳам. Муаллиф И. Мўминов шахсиятига онд билимдонлик, зукколик, камтаринлик, кенг феъллик, вазминлик, мулоҳазакорлик, биллурий софлик, талабчанлик, қаттиққўллик, меҳрибонлик каби сифатлар билан бирга соддадиллик, ишонувчанлик, жаҳли чиққанда қаттиқ кетиш каби нуқсонга айланадиган фазилатларни ҳам аниқ мисол, далиллар орқали кўрсатиб ўтади, ўзига ҳам танқидий қарайди, аяб ўтирмайди. Бу тасвир баён-

га жонлилик, табиийлик, ишонарлилик бахш этади (домла билан Масков сафари, айрим ходимлар устида баҳс-тортишувлар, Бош муҳаррир уйига телеграмма жўнатиб, ишдан бўшаганини эълон қилиш, Самарқандга кетиб қолиш, кейинги изтироблар, устоз билан ҳаёлан суҳбатлар ва ҳоказо).

И. Мўминов — файласуф, Ғ. Саломов — филолог. Ғайбулла ака устознинг бевосита эмас, билвосита шогирдларидан. Лекин бевосита шогирдларидан кўп, хўп ва ўтказиб ёзди, улкан олим ва инсон хотирасига ҳайкал қўйди.

Ғайбулла Саломов алоҳида меҳр-муҳаббат билан эслайдиган, тилидан бол томиб гапирадиган, ёзадиган зотлардан бири — Шароф Рашидов. Бу ҳазрати Инсонга ихлоси, садоқати нақадар баланд, бўшашмас эканлигини олим билан кўп мулоқотда бўлган одам яхши билади, негаки Ғайбулла аканинг ихлоси зоҳиран кўзга ташланавермайдиган, бошқаларнинг билиб, ҳисобга олиб қўйишни кўзлаб, назарда тутиб изҳор этиладиган, ҳисобкитобли меҳр, муҳаббат эмас, балки ички, самимий, табиий бир туйғудир.

Сир эмаски, Ш. Рашидов вафоти, ундан кейинги алов-далғовли, изтиробли йиллар ва, ниҳоят, таваллудининг етмиш беш йиллиги кўпчилик, айниқса, у кишини билган, раҳбарлиги, раҳнамолиги остида ишлаган, рўшноликлар кўрган кишилар учун жиддий имтиҳон бўлди. Бу имтиҳонлардан ўтганлар бўлди, ўтолмаганлар бўлди. Ш. Рашидов шахсиятига муносабатда кўпчиликнинг одамийлиги, самимийлиги, оқибати, маданияти, садоқати, айни чоғда баъзи бировларнинг ношукурлиги, иккиюзламалиги, тилёғламалиги, замонасозлиги яққол кўринди. Кимдир Ш. Рашидов ҳақида мақола ёзиш баҳонасида ўзини тарғиб-ташвиқ қилмоқчи, кимдир ўзини оқламоқчи, гуноҳини бир қадар ювмоқчи бўлди, кечиккан ихлос, садоқатини намойиш этишни ният қилганлар ҳам бўлди.

Ғайбулла Саломов Шароф Рашидов ҳаётлиги даврида ҳам, вафотидан кейинги паст-баланд гаплар юрган даврда ҳам эл-юртимизнинг фидойиси, жонкуяри, бутун онгли ҳаётини жумҳуриятимиз равнақига бусбутун бахшида этган зот ҳақида фақат яхши гаприб, таъриф-тавсиф қилиб юрди. У дилидагисини ҳамма жойда, кўкрагига уриб, тантанавор айтгани йўқ, яқин, ишонган дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари даврасида айтди. «Қашмир қўшиғи» ҳақида икки юз эллик саҳифалик тадқиқоти — олим ихлоси, муҳаббатининг ифодаси. На-

сиб қилса, у тез орада ўқувчилар қўлига бориб етади. «Жиззах овози» рўзномасининг бир ярим саҳифасида эълон этилган «Кашмир қўшиғи» ҳақида», «Гулистон» журналида босилган «Яхшилик мурувватли, ёмонлик бадкирдордир» мақолалари, Ш. Рашидов бир жилдлигига ёзилган «Дил изҳори» номли сўнгсўзи, телевидение, радиодаги чиқишлари ҳозирча ҳамир учидан патир.

Ғ. Саломов Ўзбек Қомуси Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган кезларда Шароф Рашидов ҳузурига истаган пайтда кириши, истаган ишини битириб, баъзи бировлардек, бир нима ундириб чиқишига тўла имконият бор эди, лекин у буни қилмади. Қомусга дахлдор ишлари Бош муҳаррир орқали амалга оширишди, кейинчалик оқсоқол ҳузурига бир марта, шунда ҳам иши, тадқиқоти юзасидан кирди, қисқа, мароқли суҳбатини олди; укаси — адабиётшунос таржимон дўсти Асил Рашидов билан илиқ муносабатларини бир текис давом эттирди. Ш. Рашидов вафотидан кейин кўплар ўзини четга олгач, дўстини кўпроқ сўроқлайдиган, далда берадиган, кўнглини кўтарадиган бўлдики, бу Ғайбулла аканинг инсонийлиги, дўстга садоқати, оқибатлилигидан далолатдир.

Улкан маърифатпарвар, теран билимдон, ўн тўрт тилни мукамал эгаллаган, Мовароуннаҳр, Шарқ мамлакатларида маълум-машҳур, қатағон йилларининг қурбони самарқандлик Саидризо Ализодани қайта кашф этишда профессор Ғайбулла Саломовнинг хизмати катта бўлди. Йигирма беш йил муқаддам ёзган китобларидан бирида олимни С. А. деган номда кўп ва рангбаранг асарлар эълон қилган муаллиф қизиқтириб қўйган, хаёлидан ҳеч кетмас, вақти-соати келиб жиддий шугулланишни кўнглига тугиб қўйган эди. С. А. ёзган асарлар услуби, тили Садриддин Айнийникига ўхшамас, демак, бошқа зўр, истиснодли муаллиф ҳақида сўз борар эди. Кейинги икки йил ичида С. А. шахсияти билан чуқур қизиқиб қолди, бетоблигини ҳам унутиб, Самарқандга борди. Саидризо Ализоданинг қариндошуруғлари, таниш-билишлари, ёр-биродарларини толди, хонадонидagi ҳужжатлар билан танишди, «Уни «Ого» дер эдилар», «Мовароуннаҳр фарзанди» каби таъсирли, мароқли мақолалар эълон қилди, махсус китобча ёзди, радио, телевизорда чиқди. С. Ализода таваллудининг 105 йиллигига қатнашиб, маъруза қилди, Машҳур мутафаккирнинг пок номини тиклаш, уни яна элига, юртига қайтариш борасида асосий ролни ўйнади.

«Кейинги йилларда уч улуғ зот — Иброҳим Мўминов, Шароф Рашидов, Саидризо Ализода ҳақида кўп яхши нарсалар битдингиз, руҳларини шод этдингиз, асло кам бўлмайсиз», — деймиз биз, яқинлари, астойдил хурсанд, миннатдор бўлиб.

## КОМУС ВА НОМУС

Ёзиниғ жазирамасида катта ҳовуз бўйида, мажнунтолар соясида салқинлаб, муздек тиниқ сув ичиб танамиз, руҳимиз яйрайди, ҳордигимиз чиқади, лекин бу ҳовузни бунёд этган барака топкур одамларни ҳаммиша ҳам эслайвермаймиз, ҳолбуки эслаш керак. Катта Фарғона канали қанчадан-қанча ерларга об-ҳаёт элтди, боғ-роғлар барпо этди, водий чиройига чирой қўшди. Ўзбек қомуси катта маънавий каңалимиз. Кўк муқовали, салобатли жилдлари китоб жавонларимизга кўрк бериб турибди, истаган пайтда фойдаланаверамиз. Ижодкорлари кимлар экан деб ҳаммиша ҳам эслайвермаймиз. Ҳолбуки эслаш керак.

Ўзбек Совет Қомусига ғоя берганлар, тамал тошини қўйганлар, шарт-шароит яратганлар Шароф Рашидов, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Обид Содиков, Сарвар Азимов, Аҳмаджон Ёқубов, Қўчқор Хоназаров сингари арбоб, олим, фузалолар бўлса, бу катта, миқёси кенг, боши-охирини кўринмас ишнинг бош прорабини, ишбилармони, ишқилармони, ишташқилқилармони ЎзСЭ Бош муҳаррири биринчи ўринбосари Ғайбулла Саломов эди. Дастлаб Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти қошида махсус қомус бўлими тузилиб, Ғ. Саломов бошлиқ ўн беш чоғли одам, икки-уч хонани банд қилиб, бу иш билан шуғулланар эди. Мен, институт аспиранти, кейин илмий ходими икки-уч йил давомида бир бинода, бир қаватда кўриб, кузатиб, гувоҳ бўлганман. Ишга бу қадар «ёпишган», меҳр-ихлос қўйган, вақт, соғлиқ, маош билан ҳисоблашмаган жонбоз одамлару фидойини жамоани кўрмаганман. Ҳар куни ўн икки-ўн тўрт соатлаб ишлашарди, баъзан кечаси соат ўн бир-ўн иккиларгача ҳам қолиб кетишарди, кейин ёши, билими улуғ, «турган-битгани қомус» бўлган кексаларга «раҳм қилишиб», қўлтиқларига иш қистириб, жавоб беришарди. Яна ўзларидан ортиб, зилзила оқибатларини тугатиш борасидаги турфа ишларга ҳам вақт, имкон топишарди (ҳамма жойдагидек, институтда ҳам махсус



штаб тузилган, директорнинг ёш, ғайратли муовини Ғ. Саломов бу ишга бош-қош этиб тайинланган эди).

УСЭ Бош муҳаррирлиги ўринбосарлигига Ғайбулла Саломовни тавсия этишганда, Академия президенти Обид Содиқов нозик ва жиддий савол берган: «— Айтингчи, йигитча, шундай масъул лавозимни уддалашга, тез орада ўз қомусимизга эга бўлишга кўзингиз етдимми?»

Жавоб ҳам дангал, бурро, бир қадар шартли-эҳтиёткор бўлган:

— Қомусимиз бўлишига шак-шубҳа йўқ, ишонч билдирилса, ишни уддалайман, фақат Президиум ҳар доим қўллаб-қувватлаб турса...

Ҳар икки томон ҳам аҳдида маҳкам турди. Қомусчилар гуруҳи бениҳоя қисқа муддат — 3 ой ичида фан, техника, маданиятнинг 52 соҳаси бўйича 5 жилдлик сўзлик тайёрлаб, чоп этди. 18 кунда 1-жилднинг макети чиқди. 4 жилд нашрга тайёрланди. Бу — Иттифоқ туркий тилли халқларни орасида биринчи миллий қомуснинг илк намуналари, қомусий адабиёт яратиш ботида иттифоқда тўртинчи тажриба эди.

— Ҳамманинг тилида, дилида қомус эди-да, — ўша кезларни эслайдиган Ғайбулла ака.— Халқ бизга кўз тикиб турганди. Улуғ мақсад улуғ ишларга бошлар экан. Бир ибратли воқеани айтиб берай...

Ўзбек қомуси таҳририяти таркиби, штат жадваллари, маошлар, ҳамма-ҳаммасини рисоладагидек тузиб, жумҳурият вазирлар кенгашига юборганмиз. Келиб қолар деб кутиб турибмиз. Йўқ. Хуллас, лойиҳамиз йўқолдим, маъқул келмадим, билмадик.

Уша кезларда белорус қомуси мутасаддиларидан Петрашкевич бир иш билан юртимизга келди. Бир-биримизга кўнглимиз тўғри келиб қолди, маслаҳатлар сўрадик, дард-муаммоларимизни айтдик. «Бу нарсалар бизнинг бошимиздан ўтган, — деди меҳмонимиз. — Қийин битадиган иш. Юқори ташкилотларнинг қарорлари, тавсиялари, яна анча нозик ҳужжатлар керак, буларни олиб Москвага бориш, талашиб-тортишиш лозим. Барча керакли ҳужжатлар менинг сейфимда бор, хоҳласангиз, Бош муҳарриримизга хат ёзиб, калитни бериб юбораман. Қардошларимиз ишни юришишидан биз ҳам манфаатдор бўлиб қолдик.

Зудлик билан Минскга учиб кетдим. Хатни, калитни Петрусь Бровкага топширдим. Машҳур шоир жуда илиқ кутиб олди, керакли ҳужжатларни бериб, ишимизга омад тилади.

Тез орада лозим ҳужжатлар тахт қилинди.



Ўзбек Совет Қомуси жамоаси.

Бу сафар Бош муҳарриримиз ўзлари бош бўлиб, бизни — партбюро котиби Мираҳмад Абдуллаев ва мени бирга Москвага олиб кетдилар.

Иброҳим Мўминов маълум ва машҳур олим, муаллим, мавқе эътибори баланд раҳбар, биллурдек соф, ҳалол инсон эдилар. Бирон жойда сўзи ўтмай, иши битмай қолганини билмасдик. Бу сафар ўзлари Бош муҳаррир бўлган Ўзбек Қомусининг штат жадвалини пойтахтда ўтказа олмадилар. Икки-уч кунимиз, кўп идора, одамларга учрашишимиз беҳуда кетди.

Иброҳим Мўминов салобатли, хушсурат, очиқ-мулоим одам, гап-сўзлари салмоқли, маъноли, юзларидан нур ёғилиб турарди. Қайфияти йўқ дамларда-чи, у кишига бақамти келиш қанчалик оғирлигини шогирдлари, ҳамкасблари яхши билишарди, жаҳллари чиқиб турганда-ку эил қарашларига тоб бериб бўлмасди. Зеро, ишимиз битса деган илинжда Мираҳмад билан яна бир неча идорага бош суқиб, оёқдан қолиб, ҳафсаламиз пир бўлиб меҳмонхонага қайтдик. Домла, яхши қарамай, ковоқларни солиб:— Магазин кезишни бас қилиб, қорғоз-поғозларингни йиғиштиринглар, кетамиз. Мираҳмадвой, билетларни тўғриланг,— дедилар.

Домланинг гаплари тешиб кетди. Кечаси билан ўхлай олмай, тўлганиб чиқдим. «Бугун ҳам бир кўрайлик,— дедим Мираҳмадга эрталаб аллақандай шаҳд билан.

— Ғайбулла, ўзингиз боринг, менинг юрагим...

— Юрак-пурагингизни қўйиб туринг. Ҳозир бутун бир миллатнинг юраги ҳақида гап кетаяпти (Мираҳмад дўстим-э, «Пахтакор» ютқазса ҳам, ҳавога булут чиқса ҳам «юрагим» деб ушлаб қолади. Бу орада менинг юрагим ишдан чиқиб бўлди, у эса, фан доктори, профессор, умри узоқ бўлсин, ҳамон юрагим дейди).

Шу шаҳд билан В. М. Сухаревский (Меҳнат ва иш ҳақи бўйича Давлат комитети муовини) қабулхонасига кириб бордик. Кабинети эшигини очиб, мумкинми десам, индамайди. Кириб, салом берсам, алик олмайди. Ҳа-па, келинг-кетинг йўқ. Узимни таништириб, мақсадимни баён этсам, пинагини ҳам бузмайди, одамми, пашшамми демайди. Музхона. Узим-ку тўлиб, бўларимча бўлиб турибман. Меники ҳам тутиб кетди-ку. Шартта олдига бориб, кўзимни тик қадаб, дағдағали шивирладим:— Нега бизни эшитмайсиз, камситасиз?! Нима, Ўзбекистон кам нарса бераяптими?!

Сухаревскийнинг ранги бирдан қум ўчди, бошини секин кўтариб қаради. Афтидан, қаршисида чаёндай ча-

қаман деб турган одамдан ҳамма нарса кутган бўлса ҳам, бундай кескин, қалтис гапни кутмаган эди. «Нима деясан?» — деди. Қитиқ парига тегдм шекилли, шарқона мулозаматни йиғштириб, ўз тилида гаплашдим, деб ўйладим. Журъат пайдо бўлди, далил-асосларни саржиндай қалаштириб ташлашга ўтдим.

— Узбекларнинг айби нима? Пахта дейсизми, тилла, пилла, қорақўл дейсизми, яна қанча нарсани етказиб бериб турса. Қомусига учинчи категория берибсизлар. Штатида бор-йўғи 14 киши, маоши — 110 сўм. Бошқаларда 120 одам, маоши ҳам 220 сўмдан. БСЭникидай қилиб бeringлар демаймиз, у алоҳида категория. Ҳеч бўлмаса, украин, белорус кардошларимизникидай иккинчи категория қилиб бeringлар...

Жўшиб бораяпман десангиз. Ўзи қўзгаб юборди-да (Бу тўқмоқли, тўғри фикр шу ерда ногаҳон пайдо бўлиб қолган эмас эди. Газақлаб, пишиб юрувди. Илгарироқ, уч-тўрт олим, Вазирлар кенгашида ишлайдиган Эгамбердиев деган киши поездда Москвага борган эдик. Купеда ҳар соҳадан суҳбат қилиб кетдик. Бир иқтисодчимиз, рус йиғити: «Биздаги энг мўътабар идоралардан борадиган энг жиддий ҳужжатни ҳам марказда оддий бир инструктор ўқиса ўқийди, ўқимаса четга суриб қўяди, кўп ҳам эътибор қилиб ўтирмайди. Нега десангиз республикамиз давлатдан қарз», — деган эди. Шунда сапчиб ўрнимдан туриб кетиб: «Тиним билмай ишласак, қанча нарса берсак, яна нега қарз бўлар эканмиз?!» — дегандим. Ҳамроҳим хотиржамлик билан: «Бу мураккаб механизм, уни тушуниш учун иқтисодчи бўлиш керак», — деган, мен тутақиб: «Тупурдим ўша механизмига!» — дегандим).

Сухаревский шахд билан тугмачалардан бирини босди. Бетлари катта бир одам — бўлим бошлиғи Бороховский кирди. «Ҳозир айтган гапларингни такрорла!» — деди менга. Такрорладим. «Шу гап тўғрими?» — деди. Бороховский «тўғри» деса, бошлиғидан чўчийди, «но-тўғри» дейишга виждонин йўл қўймайди. Бир унга, бир менга қараб, секин «тўғри» деди. Шундай дейиши билан ўринбосар қўлидаги мен узатган қоғозларни шириқтириб юзига отди. Қоғозлар сочилиб кетди. «Йиғштириб ол-да, — ўшқириб фармойиш қилди. — Ҳозироқ ишини тўғрилаб бер!» «Раҳмат», — дедиму чиқдим. «Уҳху, жаҳлнинг зўри бу ёқда экан-ку, — дедим ичимда. — Қатъияти, мардлигига қойилман. Аммо сен ҳам чакки эмассан». Бирор соатлар ўтди. «Ҳужжатлар тайёр бўлса, тўғрилаб бering», — дедим Бороховскийга. «Га-

лати одам экансиз. Ҳали бу идора тарихида биронта қоғоз одамнинг қўлига бериб юборилган эмас. Махсус канал орқали совминларингизга юборилади». «Бу идора тарихида биринчи марта эгаси қўлига тутқазасиз. Бўл-маса, яна В. М. Сухаревскийнинг олдига кираман», дедим. «Оббо, роса одамига учрадим-ку»,— деб ўйлади ва яна дилснәҳликни истамади шекилли, ҳужжатни тўғри-лаб, қўл қўйдириб берди.

Хурсанд бўлиб, розилиги лозим яна бир идора — ВЦСПС қайдасан дея йўл олдик... Яқин кунларда касаб-а уюшмаларни съезди бўладиган экан. «Раис доклад ёзиш билан банд, ёнимга ҳеч кимни қўйманг деб тайин-лаган»,— деди котиба аёл. «Оббо, бу ёғи қандай бўлди. Ҳай, кўрайлик-чи». Котиба хушмуомала аёл экан, Ишини, ўзини, кийимини мақтадим, ўлкамизни таъриф-тав-сиф қилдим, меҳмон бўлиб бординг, адресимизни қолди-рамиз, дедим. Фақат сиздан бир илтимос, раис чақириб қолса, шу қоғозга қўл қўйдириб бERING, кейинроқ ё эртага хабар оламиз. «Ишнинг-ку энг қийини битди, буниси ҳам бўладиган бўлиб турибди, домлага нима дес-ак экан» деган ўйда секин Ленин проспекти томон бо-раётсак, орқадан «Молодой человек!» деган овоз эшити-либ қолди. Қарасак, котиба аёл, қўлида қоғоз, тез юриб келяпти. Истиқболига югурдик. «Қўл қўйди,— деди ҳан-сираб.— Омадларингиз бор экан. Чиқиб қолувдилар, илтимосларингизни айтдим, дарров имзо чекиб бер-дилар».

Минг раҳмат! Дунёда яхши одамлар кўп. Авлиёнинг ишини худо ўнглабди, деб қанот боғлагудек бўлиб меҳ-монхонага етиб бордик. «Мираҳмад, бу саргузаштлари-миз вақти келиб қомусимиз тарихида ёзилади, фақат ҳозир менсиз домлага ҳеч нарса демай турасиз»,— деб, пишиқладим. Домланинг шахдлари паст, қовоқ-димоқ-лари осилиб кетганди. «Бекорга лақиллаб юришни бас қиллинглар, қайтамиз» — айтган гаплари шу бўлди. «Бир қоғоз бериб юборишувди»,— ўзимни овсарликка солиб, столнинг устига қўйдим. Домла истар-истамас қараган бўлди, кейин кўзи қири «СССР Министрлар Совети» де-ган йирик ҳарфларга тушиб қолди-да, ҳужжатни кўз-ларига яқин тутиб ўқидилар. «Ие, бўлибди-ку!»,— деди-лар болалардек қувониб. Бирдан юзлари ёришиб кетди. «Бўлибди-ку, Гайбуллавой, Мираҳмадвой»,— қувончини ичига сиғдира олмай такрорладилар.— Мугамбирлар-эй, айтмайсизларам! Қани кетдик». Қаерга экан, деб ўйлаганнимизча бўлмай, пастга, буфетга бошладилар. Яримта арақ олиб, учга қиррали стаканга тўлдириб.

«оливлар!» дедилар. Домланинг ичганини кўрмаганим, охиригача олиб юбордилар. Мен-ку ноз қилмай, паққос кўтардим. Мираҳмад шу ерда ҳам юрагини важ қилиб қутулиб қолди, улушини ҳам олиб юбордим шекилли.

— Ичган, таваккал қилган пайтларингизда ишингиз юряниб кетган. Ун йилдан ошдики, бир қултум ҳам олмайсиз. Бошқа пайтларда ҳам ишларингиз яхши бўлган-у секинроқ юришган-да,— деймиз биз Ғайбулла ака-нинг оз-моз олиб турадиган ҳамкасблари. кўнгил етар ёр-биродарлари ҳазил аралаш:— Ичиб, Қаяом Муртазов ҳузурига кирганингизни яна бир айтиб беринг...

Уттиз уч йил бурунги бу воқеа ўзларига ҳам наъза қилса керак, ҳузур қилиб айтиб берадилар.

— Таниқли тилшунос, марҳум Олим Усмон менинг устозим бўладилар. Бир сўзлик дейсизми, қайсарлик дейсизми, тўрт-беш одамникини домламга қўшиб берган. Тишлаган жойини узамап дейдиган, динидан қайтмайдиган, тик сўзли одам эдилар. Дўстлари, яқинлари кўп, мухолифлари ҳам анча эди. Ен бериш, битимга келиш деган нарса йўқ эди домламда. Мухолифлари домламини, домлам мухолифларини аямас эди.

Олтмишинчи йиллармикан, у кишининг тепасида қора булутлар пайдо бўлди. Паст-баланд гаплар кўпайиб колди. Ўзлари сир бой бермайдилар. Нуқул илмдан, ишмдан сўз очадилар. Тил ва адабиёт институтида, у ер-бу ерда дув-дув гап: Олим Усмоннинг партиавий иши кўрилармиш, иши чатоқмиш. «Сенга устоз, ота қатори бўлса, корига ярамасанг, ҳимоя қилолмасанг, номаъқулнинг нонини сб аспиранти бўлиб юрибсанми»,— дедим ўзимга ўзим. Уйлаб-уйлаб, горкомнинг биринчи котиби Қаяом Муртазов ҳузурига кириб, воқеани тушунтирадиган бўлдим. Энг қизиги бу ёқда, ҳозир эсласам, ўзим ҳам ишонгим келмайди, уялиб кетаман. «Муртазов Тошкентдай катта шаҳарнинг катта бошлиғи, сен бор-йўғи бир аспирант, бунинг устига партиясиз бўлсанг, қандай кирасану нима дейсан». Ешлик нодонлик-да, журъатли бўлиш учун яримта ароқни паққос уриб олибман. Қип-қизил бўлиб, қабулхонага кирибман. «Кутинг, банд,— деди котиба қиз. Кейин телефонда бир дугонаси билан русча, ўзбекча, татарча аралаш бўтқа бир тилда гаплаша кетди. Ғашим келиброқ турди. Кейин гап орасида бир дугонасининг ғийбатини қила кетди, ўзбекка теккани учун айблади. Шу ерга келганда, тоқатим тугаб, гапга қўшилиб кетибман: «Кечирасиз, сизглим, дугонангизни ноҳақ айбляпсиз, ҳар

ким суйган ошини ичади, кўнглига ёққан одам билан турмуш қуради».

Горком котиби котибасига эътирозим ёқмади шекилли, жаҳл билан: «Мен дугонам билан гаплашаяпман, сиз нега аралашасиз»,— деди. «Шунинг учун аралашаётибманки, нотўғри гапираётибсиз. Шаҳримиз кўпмиллатли шаҳар, севги дегани — кўнгил иши».

Баҳсимиз авж олиб кетди, у деса бу дебман, бу деса у дебман. Бир маҳал қиз шартта кабинетга кириб кетди. Кўп ўтмай қайтиб чиқди-да, зарда билан «Киринг!» — деди.

— Нега котиба қизни ҳақорат қилдингиз?— деди Муртазоев эшикдан киришим билан синовчан, жиддий боқиб.

— Ҳақорат қилганим йўқ, баҳслашиб қолдик.

— Қаерда ишлайсиз?— деди гўлдираётганимни сезиб жаҳл билан.

— Академиянинг Тил ва адабиёт институтида аспирантман.

— Энди аспирант бўлмайсиз. Боринг.

Ҳанг-манг бўлиб, эшикка йўналган эдим, «Пайшанба кунни соат учда келинг»,— деди.

Сергак тортиб, шалвираб чиқдим. Котиба қиз голибона ишшайиб кўйди. «Оббо, бу ёғи қандоқ бўлди,— дедим ўзимча.— Домламнинг жонига оро кираман деб ўзим ҳам аспирантлик билан хайрлашадиган бўлдим-ку. Ҳай, майли, пешонада борини кўрармиз».

Айтилган вақтда келсам, институтимиз парторги чиқиб кетаётганини кўрдим. «Устозу шогирд ишимиз ҳал бўладиган бўлибди»,— дедим ичимдан зил кетиб.

Қаюм Муртазоев бу сафар вазмин, анча мулоҳим кутиб олди. «Нега ўша куни котиба қизни хафа қилдингиз?— деган саволни яна такрорлади. Мен бўлган гапни яширмай, оширмай-тоширмай айтиб бердим. «Кўча-кўйда, бозор-ўчарда, трамвайда миллатчилик руҳидаги паст-баланд гапларни аҳён-аҳёнда эшитиб қоламиз. Лекин Тошкентдай шаҳри азимнинг юрагида, комсомол, партия ишларида чиниққан, Москвадай жойда муўтабар вазифаларда ишлаб келган, байналмилаллик қонқонига сингиб кетган сиздай обрў-эътиборли раҳбарнинг кабинетида котибангиз оғзидан мағзава гаплар чиққанини ҳазм қилолмадим, зарба бердим».

— Жуда тўғри қилгансиз, ука,— деди Муртазоев бирдан жонланиб ҳам юмшаб.— Гап бу ёқда денг. Бунақа тескари гапларни кўчада эшитасизми, бозордами, самовардами зарба беринг. Бизнинг халқимиз бағри

кенг, олижаноб, миллат ажратмайди. Хўш, ука, ўша кунни нима иш билан келувдингиз,— деди қаршимдаги стулга ўтириб.— Нега ичиб келувдингиз?

— Тавба қилдим. Сиздай мўътабар одамнинг сусти босди. Дадил бўлайин деб ичувдим. Бир қошиқ қонимдан кечсангиз. Устозимга ҳимоя ахтариб келувдим, ўзим ҳимояталаб бўлиб қолдим. Узр, менга ижозат берсангиз.

— Йўқ, йўқ, илтимосингизни айтнинг,— дедилар қандайдир юмшаб ҳам меҳри товланиб. Ҳаммасини айтиб бердим...

— Бемалол бораверинг, домлангизга ҳеч нарса бўлмайди,— дедилар.— Илмий, ижодий ишларингизда муваффақият тилайман». Қўл бериб, илиқ хайрлашдилар. Кейин эшитсам ўша котибасини бўшатиб юборибди.

Уша воқеа, у кишининг нурли сиймоси ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Мана, раҳбарнинг бағри кенглиги, одамохунлиги. Ушанда воқеанинг тагига етмай, жаҳл устида бир нарса деб юборса, устозимга ҳам, менга ҳам қийин бўларди. Кейинчалик ўша тарихни ўзларига эслатиб, миннатдорчилигимни билдирай деб ўйлаб юрдим. Лекин, афсус, имкони бўлмади. Яхши одамга яхши гапингни кўзи тириклигида айтиб қолиш керак. У киши ҳақида кўп илиқ гаплар айтиляпти, ёзиляпти. Юрагимда бир армон қолди...

Устозим Олим Усмоннинг тилимиз софлиги, ривожини йўлидаги кўп йиллик хизматлари, кечроқ бўлса ҳам, тан олинди, «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди. Мени фарзандидек яхши кўрардилар, тамом ишонардилар, қайсарлиги, жангарилиги, одиллигига шама қилиб, «Устоз, сиз олижаноб қароқчисиз» десам, кулиб қўярдилар. Мени Самарқанддан етаклаб келиб, ишга жойлаб қўйган Олим Усмон билан Сулаймон Азимов бўлади-да, қандай унутаё. Такдирни қарангки, устозу шогирд бир касаллик билан бир шифохонада, икки қаватда анча кун ётибмиз-у, билмабмиз. Дафъатан эшитиб қолдим, ўзимга келишим билан бир-бир босиб ёнларига чиқдим. Кўзларида ёш қалқди, нимадир гапирмоқчи бўлдилар, мажоллари келмади. Бир пайт ҳамширалар мендан хабар топиб, «Сизга ҳозирча юриш мутлақо мумкин эмас», дея бетўхтов олиб кетадиган бўлишди. Домлам «қолсин» дея кўп илтижо қилсалар ҳам кўнишмади. Афтидан, умри тугаб бораётган домлам энг сўнгги, энг муҳим сўзини шогирдига айтмоқчи эди. Армонда кетдилар Бу сатрларни, машъум хабарни эшитгач, юрагим зардобга тўлиб ёзганман:



Кўп жоҳил одамлар сотганда дилни,  
Тилшунослар ямламай ютганда тилини,  
Она тилинг бўлганда тилим-тилим,  
Кўкка совурдилар тириклай кулнинг  
Сен қалбингни қилиб минг пора, чок-чок  
Қонинг билан бўяб бағрингни пок-пок  
Кўтардинг тилингни қилиб ол байроқ  
Қирқ дақиқа,

қирқ дақиқа қолганда нақ  
Қабул бўлишига  
лисонул олпйшон  
ал қонун

Давлат тили ҳақида  
Тоқатинг бўлиб тоқ  
Жон қилдинг таслим!

— Ташкилий масалалар, асосан ҳал этилиб, иш жадал юришиб кетганда — бунда сизнинг катта хизматингиз борлигини биламиз. Қомусдан кетишингиз боиси ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрганди. Шу ҳақда ўз оғзингиздан эшитсак.

— Мутлақо ўз ихтиёрим билан кетганман. Қайсарлигимни биласиз, қиламан деган ишимни қиламан. Сўз олиб қўйгандим. Икки марта ариза бергандим, Бош муҳарриримиз рози бўлмадилар. Учинчи дафъа ҳеч ким қилмаган ишни қилдим: ўзимни ўзим бўшатдим, энди ишга чиқмайман деб домланинг уйига телеграмма юбордим. Ана шунда Иброҳим Мўминовнинг қаттиқ жаҳли чиққан, гап ҳам чуваб кетган...

Шу-шу, ишга чиқмадим. Домла айттириб юборган экан, ҳурмати учун бордим. «Бу нима қилганингиз, — деди қовоғини уйиб.— Шу ерда туриб уйингга телеграмма жўнатибсиз». «Ранжитган бўлсам, узр. Бошқа иложим йўқ эди. Бўшатиб деб икки марта ариза бердим, илтижо қилдим, унамадингиз. Шикоят ёзганим, бировни иғво қилганим йўқ». «Уч йиллик отпускангизни олиб дам олиб келинг, чарчагансиз,— дедилар юмшаб ва елкамга қўлини қўйиб.— Докторлигингизни шу ерда ишлаб қиласиз». Раҳмат айтдим, узр сўрадим, яна унамадим. Кетдим.

Иброҳим Мўминовни, бир сўз билан таърифлаш мумкин бўлса, «пайғамбар одам» деган бўлардим. Қомус Бош муҳаррири биринчи муовинлигига кимдир менинг номзодимни айтганда, домла «Ўзини панага тортиб юради, лекин удалайди», деган экан. Домла менга бениҳоя ишонган, чекланмаган имконият бериб қўйган эди, чизигидан чиқмасдим, лекин вақти келганда баҳслашардим, тортишардим, айтганимни қилдирардим ҳам. Хизматчилик, қизиққонроқ одамман, билиб-билмай ким-

нидир хафа қилиб қўйгандирман, лекин бировга қаттиқ-қуттиқ гапирган, ортиқча талабчанлик қилган бўлсам, иш, қомус манфаатидан келиб чиққанман. Ўзим билган ва билмаган кўп одамларни ишга олдик. Кейинчалик биламан деган одамларимни яхши билмаслигим маълум бўлди, билмаган одамлардан фазилат, билган одамларимдан қусурлар топдим. Қомус, лакмус қоғози янглиғ, ҳаммамизнинг кимлигимизни аён қилди...

Бир мажлисда эски қадрдонларимдан бири даб-дурустдан домлага: «Муовинингиз ярамайди, уни ўзгартириб беринг»,— деб қолди. Бош муҳаррир, бундай гапни мутлақо кутмаган бўлса керак, ранги бирдан оқариб: «Нимага?» деб сўради. «Бўлмайди, хатолари кўп» деди, лекин аниқ бир гап айтмади. Домла анчадан кейин ўзига келиб: «Бунинг хатоларидан бири бошқа жойдан думи тугилган одамларни ишга олганлигида. Мажлис тамом», дедилар. «Ҳозироқ уни бўшатишга бўйруқ тайёрлайсиз»,— дедилар кабинетга кириб. «Йўқ, бўлмайди»,— дедим. «Нега?». «Шунинг учунки, бу ўзининг гапи эмас. Бир четда туриб ақл ўргатадиган, қайрайдиганларининг гапи. Иккинчидан, Бош муҳаррир муовинини танқид қилгани учун ишдан бўшатди, деган гап бўлади. От тепкисини от кўтаради. Ун беш йиллик қадрдоним. Ҳаммамизда ҳам озми-кўпми камчилик бор. Лекин кўнглида кири йўқ, далли-ғулли одам. Учунчидан, касал, қанд касали бор, бошқа жойга ишга олмасликлари мумкин». «Шунақа томонларингиз бор-да»,— деди домла юмшаб. Кетганимдан кейин, анча муддат ўтгач, ўша қадрдоним касалхонада эканлигини эшитдим. Эр-хотин кўргани бордик. Бир ҳолда ётган экан, юрагим эзилиб кетди. Қимирламай ётнинг, десак ҳам кузатгани чиқди. «Ғайбулла, кечир, дўстим»,— деди кўзлари ёшланиб. «Нимани кечираман, қўйсангиз-чи»,— дедим. «Ўзинг биласан. Гап-сўз юргизиб, кетишга мажбур қилиб адашганимизни кўпчилик олдида айтганман. Ўзингга ҳам айтишим керак эди. Яна кўришамизми, йўқми, билмадим». Кўп ўтмай, қадрдоним қазо қилди...

Бешта одамни ишга олиш масаласида домла билан тортишиб қолгандик. Мен, бу одамлар бўлмайди, дедим, ҳар бирининг нега бўлмаслигини айтдим. Домла, оламиз деди ва айтганини қилди. Ўзи майда-чуйда гаплардан тўйиб, асабларим қақшаб юрганди, шу одамларни олсангиз, мен кетаман дедим ва аҳдимда турдим. Шу жаҳл, шу аччиқ билан уйимни алмаштириб Самарқандга кетвордим.

Одамзодни тушуниш қийин экан. Она юртимга келдим, тинчгина илмий-таълимий иш билан шуғулланмоқчиман, десам ишонишмайди, қўй сўйиб, меҳмонга таклиф қилсам, келишмайди, ўзларини олиб қочишади. Ҳурмат қилладиган домлаларимдан бири қулоғимга секин шивирлаб: «Пул-мул масаласида бирон чатоқлик чиқмаганмиди ишқилиб»,— деди. Тенгқур ўртоқларимдан бири: «Энди сен ҳеч ким эмассан, нолсан»,— деди. Ёмон ботиб кетди. Тавба, бирор лавозимни ушлаб турсам фалончи эканман-у, амалим бўлмаса ҳеч ким эмас эканман. Бир куни СамДУ хиёбонида Саид Шермухамедов билан учрашиб қолдик. Жуда илиқ кўришди. «Ҳе йўқ, бе йўқ, хайр-маъзурни насия қилиб, бемаслаҳат келавериш экан-да»,— деди гинахонлик қилиб. «Семашкога, ҳузурингизга ўтувдим. Аввало, режам узил-кесил эди. Иккинчидан, шифоланаётган одамга дардини айтиб солишни одобсизлик деб билдим». «Гап бундай. Қандай келган бўлсангиз, шундай кетасиз. Сиз у ерда кўпроқ кераксиз». Оғайниларим ҳам ноқулай аҳволда қолишди, бир томондан. Иброҳим Мўминовнинг авзои-райига қарашади, мени ёмон кўриб қолган деб ўйлашади, иккинчи томондан, домланинг тўнғич шогирди. Марказком бўлим мудирни бунақа деб, илтифот кўрсатиб турибди. Тошкентдаги бошқа содиқ дўстлар ҳам қараб туришмаган экан. Кел деб қўйишмади. Олий таълим министрлигидан ТошДУда кафедра мудирлигига тайинланиб келаётсам. Навоий кўчасида ҳалиги совуқ гап айтган оғайнимни учратиб қолдим. Буйруқни кўрсатиб: «Энди баҳомиз неча бўлади»,— дедим. Дами нчига тушиб кетди.

Самарқанддан туриб Иброҳим Мўминовга таъсирли бир хат ёзганман: «Домла, кечиринг, сизни отам ўрнида кўраман. Дилингизга озор берган бўлсам, шарқ олатига кўра, узримни қабул этинг. Лекин хатойим йўқ, гуноҳ қилмаганман, фақат ишга қайтиб бормайман».

Кейин эшитсам, домла ўрнимни роса бир йил ушлаб турган экан. Уша беш одамни бирин-кетин бўшатибди. «Ғайбуллавоё деган муовиним бор эди, шу билиб айтган экан»,— деган гапини айтиб беришди. Учрашсак, анча нарсалар айтишини юракдан сезиб турардим. Вафот этганда кўрдим. Кўзларимдан тирқираб ёш оқди...

«Гулистон» журналининг уч сонидан берилган «Қомус сабоқлари» мақоламнинг бир бобини домла хотирасига бағишлаганман. Яна ёзганларим бор. Кўп қарздорман».

Тошкент дорилфунунида Ғайбулла Саломов илмий-таълимий ишларга зўр берди, китоб, дарслик, қўлланмалар ёзди, турфа тадқиқотлар битди, кафедра ишлари-

ни йўлга қўйди, докторлик диссертациясини ниҳоясига етказиб ёқлади, талабалар орасидан кўплаб истеъдодлар кашф этди (ҳа, домла истеъдодларни абитуриентлар орасидан эмас, фақат талабалар орасидан қидиради ва топади, шунча йил давомида ҳамкасбларидан бирортанимиз ёзги қабул маҳалида Ғ. Саломов бирор киши учун «оғригани»ни, «одами» борлигини билмаймиз).

Ғайбулла Саломов билан яқиндан таниш, асарларини ўқиган, суҳбатидан ноил бўлган одам олимнинг тарихга, маданий меросимизга ихлос, эътиқоди, айниқса, баланд эканлигини билади. «Адабиёт, санъат, таржима ўтмиш, бугун ва келажакни боғлаб турадиган ўзига хос антиқа кўприк,— дейди у.— Шу кўприкка устун, лоақал бир пона, мурват бўла олган ижодкор чинакам бахтиёрдир. Кўприкларимизнинг анча-мунчасини замини бўш, омонат қурилган эканми, дарз кетди, тоб ташлади. Нимиғдор мустаҳкам кўприклар қуриш керак». Олимнинг маданиятимиз тарихи билимдонларига, донишманд кексаларга ўзгача муҳаббати, ташналиги шундандир.

«Биринчи устозим — дадам. Юз ёшни қоралаб вафот қилдилар. Мулла Тожи дейишади. Мулла дегани билан муллачилик қилмаганлар, сохта, диёнатсиз муллаларни ёмон кўрардилар, айбини шартта юзига айтардилар, пойгакдаги одамни тўрга чиқарардилар. Дунёвий одам. Невара, чевараларининг отини эсдан чиқариб қўйса қўярдиларки. Навоий, Бедилларнинг байтларини ҳеч нуutmасдилар.

Яна бир устозим — хатирчилик мулла Мамасоли, Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган, кўп билимдон, зукко инсон эдилар. 95 йил умр кўриб вафот этдилар. Шу эстнинг суҳбатидан кўп баҳраманд бўлганман. Ёлғиз, тилаб олган фарзанди бўлганим учун дадам, кейин билсам, ўғлингни ё мажлисга ё мактабга бер, деган қондага қаттиқ рию қилган эканлар. Эсимда: дадам тез-тез меҳмон чорлаб турардилар, мулла Мамасоли, айниқса, кўп келардилар. Мен, ёш бола, дадам айтганини қилиб, елкамда сочиқ, қўлимда дастў меҳмонлар қўлига сув қуярдим. Улар катта йиғит бўл, тупроқ олсанг олтин бўлсин, сув, ўт, тухмат балосидан сақласин, деб дуо қилардилар. Китобхонлик, шеърхонлик алламаҳалгача давом этарди. Дам охиригача эшитарканман, дам дадамнинг тиззасига бош қўйиб ухлаб қоларканман.

Мулла Мамасолининг Икромиддин деган ўғли бор, биолог, фан номзоди, Тошкентда ишлайди. «Даданг ким?» деб сўрадим бир куни. «Мулла Мамасоли дейишади, танимассиз». «Кўп эшитганман, мени ҳам бир олиб

бор, суҳбатини олайлик». Неча йил ҳам бўлди, уч-тўрт киши уйига бордик. Гангир-гунгур гаплашиб, кулишиб ўтирибмиз, ота кўрина бермади. Кўзлари ожиз бўлиб қолган экан, ёнимиздаги бир хонада ўзи билан ўзи бўлиб ётар экан. Ўғли бизни олиб боргани ё у кишини олиб келгани тортинди чоғи. Бир пайт ўзлари овоз бериб қолдилар: «Ўғлим, меҳмонларинг борга ўхшайди, зерикмай ўтиришибдимми?». «Меҳмонлар кетишди, ўзимиз қолдик»,— деди Икромиддин кулимсираб. «Ҳей, ичларингдагидан бири Ғайбулла эмасми?». Мўъжиза рўй берди. Айниқса, ўғли ҳайрон-лол: «Дада, қаердан танийсиз уни?», «Беш-олти ёшидаги овози қулоғимда қолиб кетибди. Кейин кўнглим сезди». Қучоқлашиб кўришдик. Сўнг деворни сермалаб-сермалаб, ҳужрасига кириб кетдиларда, бир нарса олиб чиқдилар. Ишонсангиз, мамлакат подшохи мукофот берса ҳам... шунча бўлмайди. Ана зийраклик, ана эътибор... «Қани, ўғлим, елкангизни тунтинг. Ҳижолат бўлманг, бу ўзимнинг бисотимдан, бизни эслаб кийиб юринг: ҳар қандай бало-қазодан сақлайди», «Қалай, Икромиддин, дадангизни танирканманми?». Ҳеч ўзига келмайди... Отага атаб «Меҳрнигор» деган достон, «Кўчаётган карвон» деган шеър ёзганман.

Суҳбатига кўп ноил бўлганим яна бир табаррук инсон — Қутбиддин Муҳитдинов. У зот тирик қомус эдилар. Фафур Ғуломдай одам пирим деб ҳурматини жойига қўярдилар. Қўплашиб у кишини илмий ишга тортидик: «Санглоҳ» луғати ҳақида номзодлик диссертацияси ёзиб, ёқладилар. Ниятимиз фан доктори қилиш эди, афсус... Эсимда: ВАК инструкцияси бўйича диалектик ва тарихий материализмдан номзодлик минимуми топширишлари керак эди. Пединститутдаги ҳамкасбларга тўғриси айтдик: «Эскича илми, эскича китоблари кўп бўлгани учун вақтида ўн йилдан ортиқ ўтириб келган, умри тиловатдан бўшамаган одам. Диамат, истматнинг айрим терминларига тили келишмаса ҳам керак». Ҳамкасбларимиз мардона гап қилишди: «Тили келишмаса ҳам дили келишади. Нечтамининг эскичадан илмимизни жамлаганда у кишининг илмига урвоқ ҳам бўлолмайди. Диамат, истматнинг кўп манбалари дунёвий, диний илм-ҳикматларда. Кейингисини биламиз, сезамиз-у очик эътироф этишдан чўчиймиз». Тушунган одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Қўйиб беришди.

У кишининг таъзиясида қатнашганман. Қишлоқ жойда бунақа йиғинни кўрмагандим. Бирон ўн беш минглар одам бор эди: ана ҳурмату ана ихлос. Дин пешволари илми, эътиборига қараб саф тортишган. Энг олдинда,

агар таъбир жоиз бўлса, генералиссимус. «Жанозамни шу одам ўқисин» деб васият қилган эканлар, олдинма кейин маршаллар, генераллар ўрин олишган. Ҳам эскича, ҳам янгича удум билан дафн этилди. Митинг бўлди. Бир барака топқурдан чиққан ақл бўлса керак, менга ҳам сўз бериб қолишди. Халойиқ сусти босди, ҳаяжонландим, кейин ўзимни босиб олдим: «Назаримда, қаршингиздаги Ургут тоғи қулагандай бўлди, катта карвон кўчди. Бу зот қомусий илмининг қанчасини бизга қолдирди, билмадим, лекин кўпини ўзлари билан олиб кетдилар. У киши қанча билимдон бўлсалар, шунча камтар эдилар. Афсуски, тўла қадрига етдик деёлмай-миз»...

«Дин халқ учун афюндир»,— деган гапни неча ўн йиллар давомида маҳкам тутиб олдик, гарчанд у улуғ одам томонидан айтилган бўлса ҳам, қай шаронда, нима муносабат билан, нимани назарда тутиб айтилган, ишимиз бўлмади. Мадраса қурган билимдон муллаларни таъқиб этдик, қувғин қилдик, араб имлосида битилган не-не китоблар — маънавий ганжиннамиз ёқилди, оқизилди, кўмилди. Шу кунга келиб, шу кўйга тушиб турганимиз. Билсангиз, мачитлар, мақбаралар ҳам маънавий мулкимиз, уларда лўнда, мазмундор тарихлар битилган.

Мумтоз адабиётимиз эллар, тиллар, диллар оша мустаҳкам кўприк эканлигига Югославия сафарига яна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдим. У ерга — поэзия байрамига Иван Драч, Лариса Васильева, Эркин Воҳидов ва бошқа ижодкорлар қаторида мен ҳам тақлиф этилган эдим. Икки воқеа юрагимда, айниқса, қаттиқ из қолдирди.

Кирилл ва Мефодий ибодатхонасида турк шоири Жумали билан ўзбек шоири Эркин Воҳидов ўртасида фузулийхонлик бўлди. Жумалининг шериги Аҳмад Кот ва Эркин Воҳидовнинг шериги мен антиқа мушонранинг гувоҳи бўлдик. Иккаласи тўрт соат басма-басига шеър айтишди, охири Жумали енгилганини тан олиб, дўстона қўл берди.

— Эркинжон, сизни қайтадан кашф этдим, қойил қолдим,— дедим меҳмонхонада.— Жумали зўр экан. Аммо шериги Аҳмад Кот ҳам зўр экан. Бир оғиз гапирмаса ҳам кўнглим сезди, юзидан нур балқиб турибди.

Эрталаб, нонушта пайти Жумалининг ўзи сўз очиб қолди: Эътибор бердиларингизми, йўқми, шеригим зўр, хосиятли инсон, оғайнингизга қандайдир ихлос қўйиб қолди.

Эркинжон беихтиёр кулиб юборди: «Ғайбулла акам ҳам боя худди шу гапни айтувдилар, бу одамда бир хислат бор деб». «Аҳмад Кот — жаннати одам, — тушунтирди Жумали. — Икки марта ҳаж қилган. Бир марта ўзи учун, иккинчи марта оғир ётган бир бемор учун».

— Ғайбулла ака, менга маъқул келиб қолдингиз, — гапга аралашди Аҳмад Кот. — Энди сиз учун ҳаж қилмоқчиман, худо кўнглимга солди, ҳожин бадал бўласиз, кейин ўзим бу ҳақда бир ишора бераман.

Яқинда уйимга Истанбулдан бир журнал келди. Санъатга оид экан. Менга, соҳамга тегишли бирор нарса бормикан десам, йўқ. Кейин хаёлимга келиб қолди: Аҳмад Котнинг ишораси. Руҳим кўтарилиб кетди. Ана инсоннинг бир-бирига меҳр-муруввати. Мен сўрамаган бўлсам, у ҳам мендан бурчдор бўлмаса. Қайфим чоғ бўлди. (Бу ва бошқа ибратли воқеалар ҳақида Ғайбулла аканинг ўзлари кейинчалик мақолаларида, китобларида батафсил, келимиши келтириб ёздилар, лекин каминан илк дафъа, тўқсонинчи йили «Ёш ленинчи»да босилган «Сўзшумос» мақоламни ёзганимдан хурсанд бўлиб юраман, ҳатто муаллиф, булар ҳақда кенгроқ ёзишга рағбат пайдо қилган, сиз бўлдингиз, дея мақтаб ҳам қўйдилар).

Кейинги пайтларда Ғайбулла Саломов етилган, долзарб муаммоларга, юрагининг тўридан жой олган инсонларга бағишлаб публицистик мақола ё шеър битадиган бўлди. Унинг қайноқ ҳис, теран фикр, граждонлик бурчи ҳосиласи бўлмиш «Мен сув ичган дарёлар» номли публицистик, «Кўчаётган карвон» номли шеърый китоблари шу тариқа юзага келди. Бу асарлар нашрдан чиқиши билан оқ дўконларда қолиб кетмаслигига тўла кафолат бериш мумкин. Публицистик мажмуанинг айрим намуналари («Қомус сабоқлари», «Кечиккан чечаклар», «Ўзим билан суҳбат», «Қалблар яна ларзон», «Ўзма дўстлик риштасин» ва ҳоказо), бир қанча шеърлар билан ўқувчилар таниш.

«Ўзма дўстлик риштасин» мақоласи «Совет Ўзбекистони»да босилгач, радиодан ўқилгач, муаллифга Наманган вилояти, Учқўрғон ноҳиясида яшовчи, иккинчи тонфа уруш ногирони Сарвар Аҳмедовдан беҳад таъсирли бир хат келди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: «Мен ҳам сизни кўрмаган бўлсам-да, дурдонани ёзишга кўп вақтингизни сарфлаганингиз, месхети туркларни қайғуларига қўшилганингиз учун қувғин қилинган турклар номидан, шахсан ўз номимдан қўлларимизни кўксимизга қўйиб таъзим қиламиз».

Ҳа, «Узма дўстлик риштасин» мақолангизнинг ҳар бир сўзи минг-минг жавоҳирларга тенг. Мен буни изоҳлашдан ожизман.

1944 йилда она юртидан бадарға этилганлар мусибатини изоҳлаш қийин. Қўлига қурол олишга қурби етган ҳар бир одам урушга кетган, баъзи бир оилалардан еттитагача фарзанд сафарбар этилган эди. Лекин уларнинг ота-оналари вагонларда ёки кўчириб келтирилган ерларда жон берганлар. Бу адолатсизлик аламини ўзбек халқи бирга тотиб, иссиқ бағрига тортиб, ҳам шўришларига шерик бўлганлар, бир бурда зоғора нонни бирга баҳам кўрганлар.

Қишда оёқларига латта боёлаб, бирга пахта терганлар, баҳорда далаларга елкаларида чўп ташиганлар, пахта заводларидан чигит кўтариб келиб экканлар. Иш нормасининг, овқатнинг тайини бўлмаган.

Оғир, машаққатли меҳнат эвазига бу кунга етганлар ўз уйларидан бадарға қилинсалар, мол-мулки талон-торож этилса. Бу имонимизга ёки инсоний виждонимизга тўғри келарми экан? Мазлум турк халқи Ислом Қаримов, Нуриддин Муҳитдинов, Сиз каби сиймолар олдида миннатдорчилик билдирамиз. Афсуски, баъзи бир обрўли одамлар, турклар ўз юртларига қайтми учун шу фожиани келтириб чиқарди, демоқдалар. Майли, улар ўз имони ва виждони олдида жавоб берсинлар. Бизим кечираётган кунимиз ҳеч кимсанинг бошига тушмасин. Ҳозирги кунларда қилган хизматларимиз кўз ёшларимиз билан ювилмоқда.

Муҳтарам домла! Сиздан илтимосимиз шуки, агар иложи бўлса, мақолангизни марказий матбуотда баён қилдирсангиз». 1990 йил 13 май (хатда муаллиф услуби тўла сақланди — С. У.).

Ғайбулла ака тез таъсирланадиган, дарҳол қўлига қалам оладиган одам. «Огонек» журналида, юқорида эслатганимиздек, шоир А. Вознесенский минерал ўғитлар ишлаб чиқариш вазири Ольшевскийга ёзган хатдан ва шеърдан беҳад таъсирланиб, икковини ҳам таржима қилиб, «Қишлоқ ҳақиқати»да чиқарди («Министрандоғ дебди, шоир эса бундоғ дебди» деган сарлавҳа қўйдик,— ҳикоя қилади мутаржим.— «Арбоб... бадном бўлгиси келса шоир билан ўйнашади,— деган гап тўғри экан. Бунга тарихдан ҳам, бугунги рус, ўзбек, бошқа адабчиётлардан ҳам анча мисоллар келтириш мумкин»), шунингдек, у таржима билан бирга ўз мақоласини ҳам илоҳа қилди.



Олим ҳақида рўзнома муҳаррири: «Муаллиф деган Ғайбулла акадай серҳафсала саришта бўлса. Олиб келган нарсаларини кўриб, баҳри-дилинг очилади, ўзлари машинкада топ-тоза қилиб кўчирадилар, фломастерда хаттотлардек чиройли қилиб сарлавҳалар қўядилар. Ёзганлари деярли таҳрирсиз ўтади. Ҳар бир ишида дид, саранжомлик, маданият бор»,— деб фикр юритади.

И. Слуцкий фикри: «Ярим асрча бўлди ёзув машинкаси тузатаман, шрифтларини ўзгартираман, Лекин Г. Саломовдай машинка шайдосини кўрмаганман. Олтинта машинкаси бор: ўзбекча, русча, лотинча, арабча... Ҳаммаси эгарланган отдек. Вақтида кўрикдан ўтказиб, созлатиб, мойлатиб туради. Уста уста эмас, асбоби уста-да».

Дарсларда, гурунгларида айтадиган баъзи фикрлари бўлғуси мақола, шеърлари сачратқилари, хамиртурушлари бўлса ажаб эмас. Улардан айримлари:

«Олимларда, агар улар ҳақиқий олим бўлса албатта, миллат бўлмайди, диёнат, виждон бўлади.

«Катта олимлар, арбоблар эл, юрт, маънавият тақдирини учун масъул одамлар, улар ҳар бир сўзини ўйлаб айтишлари, қадамини ўйлаб босишлари, келишиб, муроаса қилиб ишлашлари лозим. Майли баҳс, тортишув бўлсин, лекин жанжалга, гаразғўйликка айланиб кетмасин. Мақтов яхши, лекин танқидни қабул қилишга ҳам тайёр бўлиш керак. Тўғри танқидни тўғри қабул қилиши лозим. Бировлар бор, айбни ўзи қилади, лекин айбдорини ташқаридан ахтаради, камчилигини тан олишга бўйини, худбинлиги ёр бермайди. Келишмаслик, жанжал — ёмон, улуғларнинг келишмаслиги яна ҳам ёмон, эл-юрт бошига ташвиш келтиради. Тарихдан ҳам, бугунги кундан ҳам бунга мисоллар кўп».

Олим илм оламига мачитга киргандай ҳалол, покиза бўлиб кириши, ҳар бир далилни қайта-қайта текшириши, таҳлил-тадқиқ этishi, гапини етти, балки кўпроқ ўлчаб кесishi, айтиши, ёзиши лозим.

«Қашмир қўшиғи» қиссаси ҳақида ва ундан илҳомланиб бир китоб ёзган эдим. 225 саҳифа, машинкадан чиқариб, муқовалатиб қўйганман. Айрим нарсаларга аниқлик киритиб, далилларни текшириб кўришга зарурат сезиб, муаллиф ҳузурига кирган эдим. «Демак, сизга шу асарим кўпроқ маъқул келибди-да.— деди Ш. Рашидов мулойим ва айни чоғда синчков боқиб.— «Асар яхши, уни бир неча бор қайта ишлаганингиз, ҳар сафар янги лавҳа, деталлар қўшганингиз, сайқал берганингиз эътиборимни тортди. Кейин бу мўъжаз қисса ҳинд-ўз-

бек адабий, маданий алоқалари тарихи, ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида кенг фикр юритишга асос ва материал беради.— дедим мен ва китобим мундарижаси, муаммоларини, таржима назарияси кафедрасининг режаларини қисқагина баён этдим, саволларимга муфассал жавоб олдим. «Асарим манзур бўлган, ҳатто бир тадқиқот ёзишга туртки берган экан, муаллиф сифатида миннатдорман, катта меҳнат қилибсиз,— дедилар охирида.— Фақат уни эълон қилишга шошилмай турсангиз, бир вақти келиб қолар. Бизга қандай топшириқ, илтимослар бор?». «Раҳмат. Илтимосим йўқ. Аниқлайдиган нарсаларим бор эди, тўлиқ жавоб олдим. Вақтингизни олганим учун узр».

Шароф Рашидов дераза ёнига борди-да, бир-икки дақиқа ташқарига ўйчан қараб турдилар. Шу топда хаёлидан нималар кечди, билмайман, лекин меннинг кўнглимдан «Шу одам ҳам баяки ёлғиздир. Атрофида қўл қовуштириб, ҳар бир гапини маъқуллаб турган одамларнинг қанчаси дўст, қанчаси Хоруд, ҳозир билиб бўлмайди»,— деган фикр ўтди. Сўнг ўгирилиб, қандайдир миннатдор боқди-да: «Элларни, дилларни бир-бирига яқинлаштиришда таржиманинг аҳамияти бекиёс, ишингизда муваффақият тилайман, бизни ҳар доим мададкор деб билинг»,— дедилар. Энг охирида овозларини секинлатиб, яна бир, умрбод ёдимдан чиқмайдиган гап айтдилар: «Асилжон ҳар доим сиз ҳақингизда оғзидан бол томиб гапирадилар».

Шароф Рашидов билан биринчи ва охириги юзма-юз учрашувим, гаплашишим шу бўлди. Кўп ўтмай билдимки, бу «Дўстликни қадрланглар, бир-бирларингга сўянчиқ бўлинглар»,— деб қилган васиятлари экан. Яна, китобни ҳозирча чиқаришга маслаҳат бермай, мени кўнгилсизликлар, шаънимга ёғилиши мумкин бўлган маломатлардан сақлаб қолган эканлар. Кўнгли ниманидир сезиб юрган бўлса керак-да.

Вафотидан кейин у киши ҳақида айтилган, ёзилган баъзи гапларни эшитиб, ўқиб ёқа ушлайсан. Ё тавба, одамзод шунчалик мураккаб, букаламунми? Оқни қора деб кечаги гапидан бугун тониб турса. Хўп, камчиликларга, хатоларга йўл қўйибди, баъзи бир яқинлари, яқинман деб юрган устомонлар панд берибди, ўзбошимчалик, жиноятлар қилишибди, қўшиб ёзишлар, яна кўп ножўя ишлар содир бўлибди. Буларнинг барини ётиғи билан асослаб, хотиржам айтиш, таҳлил-тадқиқ қилиш керак эди, токи келгусида қайтарилмасин, сабоқ бўлсин. Йўқ, бунақа бўлмади. Гўё у кишининг раҳбарлиги даврида фа-

қат католиклар, жиноятлар бўлган. Яхши ишлари ҳам бўлганми? Пойтахтимиз, шаҳар-қишлоқларимиз жамолини ўзгартирини, муаззам қошоналар бунёд этишда ҳиссаси борми? Ёўллар, кўприклар солишда бош-қош бўлганми? Одамлар дилига йўл топганмиди? Ижод аҳлини қўллаб-қўлтиқлаганмиди? Савобга қўл урганмиди? Булардан кўз юмиб бўлмайди-ку. Тарозининг икки палласи, медалнинг икки томони бор эмасми? Бозор-ўчардаги майда гапларни катта минбардан туриб гариллаб айтган одамлар битта ёпиқ бозор ҳам қурдиролмай уни ўчиб кетди-ку. Улган одамни энг кўп танқид қилганларнинг аксарияти ундан анча-мунча марҳамат кўрган одамлар бўлиб чиқди. Улардан айримларининг ножўя ишлари, ахлоқсизликлари, энг катта раҳбарнинг сабр-тоқати, ортиқча меҳрибонлиги, ҳатто либераллиги ҳақида турли-туман гап-сўзлар юарди. Ҳар қалай вафот этган, ўзини ҳимоя қила олмайдиган одамлар орқасидан тош отишни бас қилайлик, деган гап жуда шарқона, жуда мардона гап бўлди».

Кашпировскийнинг руҳий муолажасида сўзнинг сеҳри, малҳамбахш кучи, таъсири катта ўрни, салмоқ тутиши ҳақида Ғайбулла ака мароқ билан ҳикоя қилади. «Эътибор бердингизми, у оддий, тушунарли тилда гапирди, сўзлари самимий, юракка бориб тегади. Қизил гаплар, сийқаси чиққан ибораларни мутлақо ишлатмайди, ортиқча мақтовни хуш кўрмайди. Унга ихлос қўйганим, наф топганим, мактуб йўллаганим боиси ҳам шунда. Бир юз қирқ мингта хатдан меникини ҳам ажратиб, машҳур қўшиқчи Иосиф Кобзонга илтимос қилиб ўқиттирганда, юрагим жиз этиб кетди. Демак, сўзларим мўлжалга тегибди, муолажакор руҳига таъсир этибди.

Кашпировский беназир психотерапевт, валломат инсон бўлиши баробарида жумҳуриятимиз шайдоси, тилимизнинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси ҳамдир. Мингмиглаб одамларнинг турфа дардларига шифо топаётган, миллионлаб одамлар умид кўзларини тикиб турган, инсон жисми, руҳиятининг беқиёс, яширин имкониятларини намоён этаётган машҳур муолажакор марказий телевидение орқали берган сеансларидан бирини «Ассалом алайкум» дея бошлагани, яқинда Ўзбекистондан қайтганини ифтихор билан ҳикоя қилгани шифоталаблардан бирдан нафис, жарангдор ўзбек тилида уч-тўрт калом айтишни илтимос қилгани, Оролбўйида турли кассалликлар авж олгани ҳақида куюниб гапиргани жумҳуриятимиз аҳлини бениҳоя хушнуд этди.

Кашпировский шарофати билан иттифоқимизнинг турли бурчакларидан кўплаб илқ, самимий мактублар олдим. Яхши тилаклар айтгани, маслаҳатлар бергани, дори-дармонлар юборгани қанча. Одамларимиз қандоқ меҳрибон, оқибатли, олижаноб. Бизларни, бошқаларни руҳан яқинлаштирган, ғойибона дўстлаштирган Кашпировский бўлади! Афсуски, бу ноёб муолажакорнинг ҳам қадрига кўп етмадик, ҳар хил ипирисқи гаплар қилдик, иғволар, тош отишлар бўлди. Айрим олимлар, шифокорлар, журналистларнинг «хизмат»и катта бўлди. Олдиндан оқар сувнинг кадри йўқ. Яқинда газеталарда ўқидик. Кашпировский, Чумаклар чет элларда кўплаб сеанслар бериб, номи улуг, супраси қуруқ давлатимиз чўнтагига анча-мунча валюта солишибди.

Сезиб турибман: баъзи бир ортиқча иззатталаб олим, фузалоларнинг нафсонияти кўзгаши мумкин: «Намунча мақтов, таъриф-тавсиф? Бор-йўғи фан доктори, профессор экан. Хизмат кўрсатган фан арбоби бўлмаса, академиянинг ҳақиқий ёхуд мухбир аъзоси бўлмаса, лауреат ё нишондор бўлмаса. Мана биз...»

Ғайбулла Саломов ҳақида ёзишга жазм қилганимнинг икки боси бор. Биринчидан, бу оламни ўттиз уч йил давомида узоқ-яқиндан ўргандим, ишлаган жойлари — «Фан ва турмуш» журнали, академияда хизмат қилганмиз, дорилфунунда бирга ва ёнма-ён ишляймиз. Бу даргоҳлардаги муҳит, олимлар, муаллимларни бир қадар биламан дея оламан: ўттиз ҳафта материал йиғдим, ўттиз кунда ёздим, ўттиз соат деганда машинкадан чиқардим. Билганларим, эшитганларимни таҳлил қилиб, қиссалаб, шундай хулосага келдим: қаҳрамоним қилиб қўйган иши, илмий-таълимий маҳсулига кўра мукофоти унвонларга тўлиқ муносиб, ҳақли.

Ҳозирга қадар муносиб кўрилмагани масаласига келсак, «факир киши панада» ибораси Ғайбулла Саломов ва унга ўхшаш камтар, заҳматқаш, ўзининг фойдаси учун яшашни билмайдиган кишиларга жуда хос, мос келади. Кейин бу нарса бошдан-оёқ Ғайбулла акага бағишланган бўлмай, айтиш чоғда Ғ. Саломов бевосита ёхуд билвосита дахлдор бўлган муаммолар, одамлар, тақдирлар ҳақида ҳамдир.

Чинакам илм, истеъдод бирор жойни тешиб чиқади, эртами-кечми эътироф этилади, албатта. Лекин турғунлик йилларида, яшириб нима қилдик, бандасидан бўлдими, системасидан бўлдими, ё заринг, ё зўринг (ҳам заринг, ҳам зўринг бўлса нур устига аъло нур), суюнган тоғнинг, катта орқанг бўлсин, «оғзи қийшиқ бўлса ҳам

бойнинг ўғли гапирсин» қабилдаги эскириб, йўқолиб бораяпти деб юрганимиз нақллarga озмунча амал қилинмади. «Фалончининг фалонини доктор қилишди, писмадонининг писмадонини арбоб қилиб кўтаришди, лауреат, депутат, нишондорларнинг анча-мунчаси амалда бирор амалдорнинг одами бўлиб чиқди. Буларнинг ижроси, расмий томонлари, юзаки қараганда, рисолалагидек, ими-жиммида бўлди. Лекин халқ кўриб, билиб, сезиб турди.

Хукуматимизга раҳмат, ўзбек қомуси ижодкорларидан бир гуруҳи Беруний мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди. Лекин.. Бу катта ишга энг кўп меҳнатини сингганлардан бири Ғайбулла Саломов эди, дегувчи бир мард топилмади. Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир баъзи бировлар мукофот, энг аввал, шу одамнинг ҳаққи демади. бу одам ҳам меннинг ҳаққим демади, ишн бўлмади. Кўп йиллик хизмати учун мукофотга сазовор бўлганлардан бири рўй-рост: «Ғайбулла ака, сиздай одам қолиб кетганда, мен лауреатлик нишонини тақшига уяламам»,— деганда, таъсирланиб. «Самимийлигингиз учун раҳмат, сизни муносиб кўришибдими, нишонни ҳеч тортинмай фахр билан тақиб юринг»,— деб жавоб берди.

Унвонга, мукофотга тақдим этиш — бошқаларнинг иши, ташвиши.

Қизиқ. ўзи кўп иши қийинчилик билан кеч битади. Квартира олиши ҳам, диссертация ҳимоялари ҳам ўзи бир тарих. «Олтмишинчи йили, квартирага ҳамма ҳужжатларим тахт, лекин ҳеч тўғри бўлмайди, бесамар катнайман. Шаҳар советида бир арманн бор экан, пул бермасанг, ололмайсан, деб куппа-кундуз куни рўйрост айтди. Рансга учрасам, нима деб ўйловдинг деб шу гапни такрорлади. «Мен бир аспирант бўлсам, пулим бўлмаса, пулим бўлганда ҳам бермасдим»,— дедим. Гапга бориб қолдик. «Мен шаҳар ҳокими бўлиб турадиган бўлсам, сен квартира ололмайсан»,— дедн. Бир-икки йил ўгач, Гоголь кўчасидаги ошхонадан овқатланиб чиқиб кетаётсак, ўша одамни кўриб қолдим, ранги кетиб, букчайиброқ қолибди. «Мана шу одам бир пайтлар,— шерикларимга тушунтирдим, ўзимни тутолмадим-да.— мен шаҳар ҳокими бўлиб турсам, сен квартира ололмайсан,— деганди. Мен-ку квартира олдим, лекин бу одам шаҳар ҳокими бўлмай қолди».

Икки марта диссертация ёзиб, тўрт марта ёқлаганман. Иккаласи ҳам бир кишининг иши — кимлигини сўраманг, айтмайман, қизиғи ҳам йўқ, муҳими, мен уни

ҳурмат қиламан. Мухолифим ақл, тадбиркорлик билан иш тутди, аноним хат ёзмади, эксперт комиссияси аъзосини қўлга олди, қора тақриз ёздирди. Ленинградга, таржима назарияси асосчиларидан бири Федоровникига борганман. «Тошкентданман. Саломов бўламан»,— дедим. «Бу фамилия менга таниш»,— деди, уйига таклиф қилди. Қора тақризни кўрсатдим. Уқиб чиқди, «Бемаъни гап,— деди.— Билмайдиган одам, ғаразли мақсадда ёзган». Шу ернинг ўзида ижобий тақриз ёзиб берди.

ВАК эксперт комиссияси йиғилиши кетяпти. Юрак ҳовучлаб кутиб турибман. Эшик тирқишидан қарадим: қора тақриз ёзган одам куйиб-пишиб гапираётган экан. Ҳатто Севортян норози оҳангда берган савол ҳам аниқ эшитилди: «Шунча эътирозингиз бор экан, нега авто-реферат ҳақида Советга ёзиб юбормадингиз?».

Бир пайт мени чақириб қолишди. Беш-олтита савол берилди, жавоб қайтардим. «Сиз фразеологик луғат тузаяписизми?»— деди кимдир. «Ҳа, 10000 та сўз тузиб қўйганман». Чиқиб туринг, ўн минутдан сўнг чақирамиз дейишди. Уч минутдан сўнг чақирдишди. Профессор Расторгуева «Юз фонз овоз олдингиз. Табриклайман. Эксперт кенгаши сиздан кечирим сўрайди», деди. Кейин эшитсам, қора тақриз муаллифи ўзини чалғитганларга: «Мени роса ўсал қилдинглар, у сиз ўйлаганча одам эмас экан»,— дебди. Виждони қийналибди-да.

Докторлигимнинг қайта ҳимоясида қирқтача савол берилди. Биттасига жавоб тополмай қийналиброқ қолдим. «Шуни билолмай турибман. Менга ҳали ҳеч ким шу саволни бермаган эди. Энди ўйлаб кўраман»,— дедим. «Билмадим, деб тўғри жавоб қайтардингиз,— деди истараси иссиқ бир киши.— Қизиқ, лекин қалтис савол берилди». Савол берган одам ноқулай ҳолга тушди. Кейин билсам, ёнимни олган олим Лев Толстойнинг невараси экан, юз-кўзлари бўлиқ, соқоли худди бобосиникидай. «Қойилман,— дедим ичимда.— Бекорга Толстой фамилиясини олмаган экан. Россия улуғ, лекин ҳақиқат ундан улуғ».

«Энди бир тақризни рад этдингиз,— деди охирида эксперт кенгаши раиси.— Бошқа бир тақриз тамом ижобий. Энди учинчи тақризга юборамиз». Учинчи тақризни, КПСС Марказий Комитетида ишлайдиган олим ҳамма ҳужжатларни синчиклаб кўрибдида, ВАКка келиб, ярим бет тақриз ёзиб берибди, хулосасида бетўхтов диплом берилсин дебди.

Бу нарса менга қаттиқ таъсир қилган. Учта илмий кенгашга аъзо бўлиб, ҳали бирорта ишга қаршин овоз

берган эмасман. Талабни қаттиқ қўйишим, кескинроқ гапиришим мумкин, лекин ёқлаб овоз бераман. Тил ва адабиёт институтида ўзбек халқ мақоллари ҳақида бир диссертация ҳимоя қилинди. Мен ҳам сўзга чиқдим. «Мақол — сўз кўрки, фикр қаймоғи» дейимиз, бот-бот ишлатамиз. Тилимиз мақолга бой деб мақтанамиз. Тўплаб нашр қилган мақолларимиз эса зўрға бир китоб бўлади. Бошқа халқлар эса мақолларини жилд-жилд китобларга жо этиб нашр қилишган. Масалан, Ноқий Эсанбат татар халқ мақолларини 5 жилд қилиб чиқариб қўйибди. Бу — ҳаммамизнинг айбимиз. Ушбу диссертацияга келсак, мароқли тадқиқот. Мавзуси долзарб. Анча меҳнат қилингани кўриниб турибди. Муаллиф келгусида янада йирикроқ муаммолар қўйиши, миқёсни кенг олиши керак, дедим.

Диссертант хурсанд бўлди. Бошда бир оз чўчиб қолган эди. «Э, укагинам-эй, сен ёш, ўсиб келаётган олим бўлсанг, омади гапни айтдим-да. Душманинг бўлса ҳам ишига қараб, холис баҳо бериш лозим. Атайини ёмонлик қилиш — номарднинг иши. Яхшилик билан тамал тошини қўйиш, дунёни яхшилик билан олиш лозим. Мухолифга ҳам ёмонлик раво кўрмаслик керак, дўстларни ку бошга кўтармоқ лозим».

Ғайбулла Саломовнинг адабиётшунослар Асил Рашидов, Эрик Каримов, Тўхта Бобоев ва бошқалар билан кўп йиллик, қалин дўстлиги ҳавас қилса, ибрат олса арзигуликдир. «Дўстлик тўла кенглик, самимият асосига қурилиши, манфаат, тама, тобеликдан мутлақо ҳоли бўлиши керак, — ҳисоблайди Ғайбулла ака. Баланд мавқен, мартаба, давлатига маҳлиё бўлиб, муомалада баланд келадиган одам дўст бўлолмайди, ўзини юқори чоғлаб, нописандлик қилган айрим такаббурларни оддий таниш даражасига тушириб қўйганман, танишлик имтиҳонидан ҳам ўтолмаганларни юрагимдан чиқариб ташлаганман».

Дарахт бир жойда кўкаради, деган гап бор. Таржима назарияси кафедраси ТошДУ журналистика куллиёти бағрида очилган эди. Олти-етти йил ўтгач, негадир, ўзбек филологияси, бир неча йил ўтгач, рус филологияси куллиётларига ўтказиб юборилди. Ҳозир ҳам шу ерда. «Тинч ишляпмиз. Ҳар қалай ҳеч ким халақит бермайди», — дейди хўрсиниб минбаргоҳ мудирини. Унча-мунча дарахт бошқа жойга кўчириб ўтқазилса, қуриб-қақшаб қолади, бунинг илдизи мустаҳкам экан, ўзини тутиб олди, яхши ривожланди. Айни чоғда, аввалги ўрнида ҳозиргидагидан ҳам мўл ҳосил берган бўларди. Ўзбек

тилига давлат мақоми берилиши малакали таржимонлар сони камайиб кетаётган, янги, ёш кадрлар старли тайёрланмаган вақтга тўғри келди. Буни Ғ. Саломов таржимашунос, шунингдек, тил комиссияси аъзоси сифатида, айниқса, чуқур ҳис этди. Малакали таржимонлар рўзнома ва журналларда, радио ва телевидение, кино, нашриётларда кундалик машқ, ижодий амалиёт жараёнида, ўқитувчилар, мутахассислар сабоғи, кўмаги, етказилишида шаклланади, камол топади. Бу кафедраини ўз ўрнига ўтказилса айни муддао бўларди, деган фикр, нистақларда жон бор.

\* \* \*

\*

Ушбу рисолага асос бўлган «Сўзшунос» мақолам 1990 йил 14 ноябрда «Ёш ленинчи» да босилган, газетанинг сал кам биру чорак саҳифасига жойи бўлган эди. Кейинроқ «Шифобахш сўз» деган нарсам чиқди. Мақола, суҳбат, дарсларимда Ғайбулла ас-Салом, унинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, ижодий ютуқлари, инсоний фазилатлари ҳақида илиқ фикрлар, дил сўзларимни айтишга ҳаракат қилиб келаётирман. Бу орада Ғайбулла домла талабаларга сабоқ бериш, янги шогирдлар — фаан номзодлари, докторлари тайёрлаш, мақола, шеър, тадқиқотлар яратиш, китоблар чиқариш, инсонларга яхшилик қилиш, буғдой сўзини дариф тутмаслик борасидаги ибратли, савоб ишларини давом эттирди ва давом эттириб келаётибди. Не бахтки, Бодомзор маҳалласига кўчиб ўтиб, Ғайбулла акага қўшини бўлиб қолдик, ҳафтада икки-уч бор дийдор кўришиб, гурунг қуриб турамиз. Хизр назар қилган бу зукко олим, фаришта инсонининг ёзганларини ўқиш, айтганларини тинглаш бахтига бошқалардан кўра кўпроқ ноил бўлиб турибман. Тўғри-да, ҳар ким суйган ошини ичсин, кўнгли тортган одам билан суҳбатлашсин, дили яйрасин, губорин тарқасин.

Ёзганларим баъзиларга ортиқча маҳобат, ошириб юборилгандай туюлиши мумкин. Холис, самимий бўлишга ҳаракат қилдим. Ғайбулла ас-Саломнинг бевосита шогирдларидан эмасман, лекин бул зотини шогирдларидан кам кўрмайман, бениҳоя эъзозлайман.

Яна бир муаммо каминани, журналистика мутахассисини сифатида қийнаб келади. Демократия, ошкораликни биз, ижод аҳли, баъзан бир томонлама тушундик, қайта қуриш (бу сўз, ибора, умри қисқа экан, истеъмолдан ҳам чиқиб бўлди), ошкораликни уришу бузиш, нуқул инкор



этиш, танқидбозлигу андишасизлик деб билдик. Мақтовга ҳам дурустмиз-у лекин танқидга, айниқса, устаси фарангмиз. Тириқларнинг пўстагини қоқиш, ҳатто ўлган марҳумларнинг гўрига гишт қалашнинг ҳавосини олганмиз. Айрим нашрларни ўқисангиз, гапларини эшитсангиз, капалагингиз учад: гўё ҳаммаёқ зулмат, зимистон. Эътироз қилмоқчи бўлсангиз, жавоб тайёр: демократия, ошкоралик. Нур, яхшилик, намуна кучи қаёқда қолди? Қанчадан-қанча яхши ишларимиз, удумларимиз, фидойи, заҳматқаш, олижаноб, камсукум одамларимиз бор. Биз, ижод аҳли уларни намуна қилиб кўрсатишимиз, тарғибташвиқ этишимиз керак. Собиқ марказий нашрлар кўпинча бизга — мустақил жумҳуриятимизга, заҳматқаш, меҳмондўст, оқкўнгли халқимизга қора кўзойнақдан қараб, пайшадан фил ясаб турганда бу, айниқса, керак. Айрим ғаразгўй нашрлар йўқни йўндириб, оқни қора деб валдираб, вайсаб турганда Ғайбулла ас-Салом «Ўзбеклар ниши — бу» дея мақола ёзди, туркум чиқишлар қилди, китоб битди, юзлаб, миңлаб беморларни, жумладан россияликларни, бир қанча фазогирларни турли иллатлардан фориг қилган қўли енгил, нафаси ўткир, ҳайратангиз сеҳр-қувват соҳиблари—наманганлик халқ табиблари шуҳратини кенг ёйди. Мавороуннаҳрга маълум ва машҳур, бегуноҳ қатагон бўлган улкан мутафаккир, зукко олим ҳақида мақолалар ёзди, Саидризо Ализодини қайта кашф этди, пок номини тиклади.

Ғайбулла ас-Салом олтмиш ёшга кирди. Илмий, адабий, педагогик жамоатчилик унинг хизматлари олдида кўп қарздор. Тўйи иш жойи — ТошДУда муносиб нишонланди. Хамир учидан патир сифатида ушбу рисолаин битарканмиз, фидойи олим, покиза инсонга соғлик, соғлик ва яна соғлик, кам деганда отаси сингари юз йил умр кўришини тилаймиз. Ҳатто «ижодий омад, янги асарлар» дея бошланувчи, таомилдаги, «навбатчи» нс-таклардан ҳам ўзимизни тиямиз. Негаки, соғлиги бўлса, ижодий омад, янги асарлар бўлиши шубҳасиз.

## МУНДАРИЖА

Кириш.	3
Ғайбулла Саломов ижодига бир назар	14
Ғайбулла ас-Салом илмий суврати ва сийратига чиизгилар	15
Таржима ҳақидаги фикрларидан бир шингил	16
Тадқиқотлари, китоблари.	17
Шеърояти ҳақида андак лутф	21
Мақоланавислик йўлларида	24
Қомус ва номус	32

**САГИДИ УМИРОВ  
РЕКА, КОТОРАЯ ТЕЧЕТ**

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир  
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *Х. Зарипова*  
Мусаввир *Б. Хайбуллин*  
Техмуҳаррир *Р. Лушникова*  
Мусаҳҳиҳ *С. Зокирова*  
ИБ № 6239

Теринга берилди 18.02.93. Босишга руҳсат этилди 7.12.93. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 3,57. Ҳисоб нашриёт т. 3,0. 156 буюртма. 30000 нусха, Келишилган нарх.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700017, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмаханаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.